



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta •

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2014-yil 3-oktabr • №40 (4283)

ЯҒОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Мухтарам жаноб Талёб Рифаи!
Хурматли форум иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, мухтарам меҳмонларимизни – Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши раҳбарлари ва аъзоларини, туризмни ривожлантириш масалалари бўйича вазирлик ва идоралар, сайёҳлик ташкилотлари бошлиқларини, олимлар ва мутахассислар, жаҳон туризм саноати вакиллари кутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдириш, Ижроия кенгашининг 99-сессиясига самарали ва муваффақиятли иш олиб боришни тилаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Авваломбор, Ўзбекистон Президентини мана шундай қарсаклар билан, очiq юз билан, кўтаринки кайфиятда қутиб олганингиз учун сизларга катта раҳмат айтмоқчиман. Бунга жавобан мен ҳам сизларни айнан Самарқандда, Ўзбекистонда қўриб турганимдан чин дилдан хурсанд эканимни яна бир бор таъкидламоқчиман.

Сизлар бизнинг заминимизга таширингиздан мамнун ва рози бўлсангиз – бу менинг энг катта тилагим, десам, айни кўнглимдаги гапни айтган бўлман.

Бугун бу залда 150 дан ортиқ туризм саноати вакиллари ҳозир бўлганидан хабардорман. Бу анжуманда, шунингдек, бизнинг дўстларимиз – Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатлар ҳам иштирок этмоқда. Улар бизнинг меҳмонларимиз билан биргаликда барча муҳим анжуман ва тантанали маросимларимизда доимо қатнашиб келишади.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби жаноб Талёб Рифаи ва кенгашининг барча аъзоларига мазкур кенгашнинг навбатдаги сессияси мажлиси ўтказиладиган жой сифатида турли маданиятлар қорраҳаси ва жаҳон цивилизацияси дурдонаси бўлиши қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳрини танлагани учун самимий миннатдорлик билдираман.

Самарқанд шаҳрининг тарихий аҳамияти, унинг бекиёс гўзаллиги ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Салкам ўн минг йиллик гоёт бой тарихга эга бўлган бу азим шаҳар ўзининг улғувор меъморий ёдгорликлари, мовий гўмбазлари, бетакорр шарқона қиёфаси ва руҳи билан саёҳатчилар, туристлар ва меҳмонлар эътиборини тортиб келади.

Бу дилбар шаҳар ҳар қандай инсонни ўзига мафтун этади. Уни бир бор кўрган

одам ҳеч қачон эсидан чиқармайди.

Яқинда Американинг халқаро доираларда тан олинган ва катта нуфузга эга бўлган "Хаффингтон пост" интернет нашри Самарқандни инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб кўриши албатта зарур бўлган дунёдаги 50 та шаҳарнинг бири сифатида эътироф этди ва ана шу шаҳарлар рўйхатига киритди.

Ўзида энг қадимги даврлар ва бугунги ҳаётни узвий равишда уйғунлаштирган ушбу шаҳарда туғилиб вояга етган инсон сифатида сиз, азиз меҳмонларимизни мана шу меҳмондўст заминда қўриш ва бутун Самарқанд аҳли номидан, шахсан ўз номидан "Самарқандга хуш келибсиз!" деб айтиш менга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Қадри дўстлар!
Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг бугунги сессияси мажлисининг асосий кун тартиби гоёт муҳим масалага – "Буюк ипак йўли – халқаро туризмни ривожлантиришнинг янги истиқболлари" мавзусига бағишланган.

Туризм қадим замонлардан бошлаб сайёрамиз халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Одамлар янги ўлкаларни кашф этиш, дунёни кўриш ва билиш, савдо-сотикни ривожлантириш, маданий ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш мақсадида саёҳатга чиққанлар. Савдо қарвонлари йўллари кесишган, маданиятлар ва цивилизациялар туташган қорраҳада жойлашгани учун Марказий Осиё минтақаси бу жараёнда муҳим ўрин тутган.

Нуфузли олимларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиш тарихи миллоддан аввалги икки мингинчи йиллардан бошланган ва 3,5 минг йилдан зиёд даврни қамраб олади. Кўҳна Рим ва Бобилининг тенгдоши ҳисобланган, ўрта асрлар илм-фани, санъати ва маданиятининг йирик марказлари сифатида дунёга донг таратган ва ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз шаҳарлари бу заминда қадимги давлатчилигининг шаклланиш ва ривожланиш марказлари бўлиб келган.

Шу ўринда биз кейинги йилларда жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини, Шахрисабзнинг 2700 йиллигини, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини кенг нишонлаганимизни айтиб ўтиш жоиздир.

Қадимий маданиятлар бешиги бўлган бу шаҳарларда илк ва кейинги ўрта асрлардаёқ илм-фан, таълим-тарбия соҳалари, хунармандлик ва савдо-сотик кенг ривожланган, муҳташам саройлар, масжид ва мадрасалар барпо этилган. Бундай гўзал шаҳарларни бунёд этиш учун нафақат моҳир уста ва қурувчилар, балки математика, астрономия, физика, архитектура, геометрия, геодезия, сейсмология ва кимё каби фундаментал фанларни чуқур биладиган олимларнинг билим ва тажрибаси ҳам керак бўлган.

Жаҳон тарихидаги энг муҳим маданий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ўта ноёб ҳодиса – Буюк ипак йўли айнан ана шу шаҳарлар ва маданиятлар марказлари орқали ўтган. Миллоддан олдинги III-II минг йилликлардаёқ вужудга келган коммуникация тармоқлари Месопотамия текисликларида Хинд водийсигача, ўрта Осиё воҳаларидан Араб денгизигача қўзилган беповён ўрта Шарқ минтақасидаги бир-биридан жуда узоқдаги маданиятлар ва мамлакатларни боғлаган. Кейинчалик ана шу ҳудудлар Буюк ипак йўлининг асосий йўналишларидан бирига айланган.

Савдо-сотик алоқаларининг кенгайиши аҳолининг кўчи юришига сабаб бўлган. Улар ўзлари билан бирга меъморлик, маданият ёдгорликлари, нумизматика ва хунармандлик маҳсулотларида акс этган ўз урф-одатлари ва дунёқарашини ҳам олиб келган.

Ўша замонларда энг юқори даромад келтирадиган ва сотиш мақсадида узоқ масофаларга ташиш учун энг қулай товар ипак бўлган. Бундан ташқари, Буюк ипак йўли орқали яна кўплаб бошқа товар ва буюмлар, жумладан, чинни, ойна, шиша, гилам, металл, қурол-яроғ, турли тақинчоқлар, чой, зирворлар, шунингдек, машҳур хитой қоғози ташишган.

Халқаро туризмнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихини таҳлил қилар эканмиз, савдо муносабатларини ўрнатиш, дам олиш ва саёҳат билан бир қаторда, дунё халқларининг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ўрганиш, билиш ва бунинг натижасида одамлар, элу элатлар ўртасида ҳамжамиятлик, бағрикенглик фазилатларини мустаҳкамлаш ҳам туризмнинг муҳим таркибий қисми бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Давоми иккинчи саҳифада.



БМТ БУТУНЖАҲОН ТУРИЗМ ТАШКИЛОТИ
ИЖРОИЯ КЕНГАШИНИНГ 99-СЕССИЯСИ

UNWTO 99TH SESSION
OF THE EXECUTIVE COUNCIL

SAMARKAND, UZBEKISTAN
1-3 OCTOBER 2014

САМАРҚАНДАДА ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ФОРУМИ

Самарқанд шаҳридаги "Форумлар мажмуаси"да 2 октябрь кун
БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси очилди.

Ушбу халқаро анжуманда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари, АҚШ, Франция, Испания, Германия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Хиндустон, Миср, Туркия, Индонезия каби туризм ривожланган ўнлаб мамлакатлар мутахассислари, халқаро сайёҳлик ташкилотлари раҳбарлари, экспертлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов сессиянинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Талёб Рифаи ЮН-ВТО Ижроия кенгашининг 99-сессиясини Самарқандда ўтказишга қаратган алоҳида эътибори учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди.

Туризм – иқтисодиётнинг юқори даромад келтирадиган ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири. Мазкур соҳа дунё мамлакатлари ва халқларининг маданият борасидаги амалий мулоқотида ўзига хос робита вазиёсини ўтамоқда. Айни пайтда дунёда 235 миллиондан ортиқ киши ушбу соҳада меҳнат қилаётир. БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда сайёҳлар оқими ҳар йили 4-5 фоизга кўпаймоқда.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон замонавий сайёҳлик инфратузилмаси

ривожланган давлатлар қаторида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди. Мамлакатимизга келувчи сайёҳлар оқими мунтазам ошиб бормоқда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимиз олий даражадаги учрашувлар, халқаро конференциялар, нуфузли мусобақаларга мезбонлик қилаётир.

Мамлакатимиздаги мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, дунёга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик, замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари, юксак сифатли хизмат сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ чикариши учун қулай имконият яратмоқда.

Ўзбекистон сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Ватанимиз тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Мамлакатимизда етти мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Юртимизда сайёҳликнинг экотуризм, геотуризм, экстремал, тиббий ва маданий йўналишлари, отда, туяда, автомобилда саёҳат қилиш, альпинизм, балиқ ови, рафтинг каби кўплаб турлари ривожланмоқда.

Янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилаётгани, халқаро ва маҳаллий аэропортлар, транспорт коммуникациялари барпо

этилаётгани самарасида юртимизга келаётган сайёҳлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётир. 2011-2013 йилларда мамлакатимизга келган хорижий туристлар сони 129,5 фоизга ошди. Сайёҳлик хизматлари ҳажми 175,8 фоиз, шундай хизматлар экспорти 180,2 фоиз ўсди. Мингдан ортиқ сайёҳлик ташкилоти, жумладан, 550 туроператор ва агентлик, 500 дан зиёд меҳмонхона уларга жаҳон андозлари даражасида хизмат кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари самарасида хорижий меҳмонлар ва делегацияларни қабул қилиш ҳамда уларга замонавий талаблар асосида хизмат кўрсатиш имкониятига эга ўнлаб меҳмонхона қад ростлади. Дунё мижёсида тан олинган "Radisson", "Lotte", "Dedeman", "Grand Plaza" каби брендлар остида хизмат кўрсатувчи отеллар билан бирга, кичик гуруҳларда ва оилавий саёҳат қилувчилар учун хусусий меҳмонхоналар тармоғи барпо этилди.

Изчил ривожланаётган ҳаво ва темир йўл транспорти саёҳатларни тез, қулай ва хавфсиз ташкил этиш имконини бермоқда. 2011 йилдан қатновчи йўлга қўйилган "Афросиёб" тезюрар поезди пойтахтимиздан Самарқандга бориб-келувчилар учун жуда маъқул бўлмоқда.

Давоми учинчи саҳифада.

ЭЗГУЛИК МАСКАНИГА ТАШРИФ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний бағрикенглик тамойилларини таъминлаш, уларнинг қонуний асосларини яратиш ва ривожлантириш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Имон-эътиқад, меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват каби фазилатлар ҳалқимиз маънавий ҳаётини юксалтиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш, муқаддас динимизни, азиз авлиё ва улаомларимизнинг бой меросини теран ўрганиш, уларнинг қадамжоларини обод қилиш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш йўлида бекиёс ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Абдуҳалиқ Гиждуновний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридид, Бурхониддин Марғиновий, Ҳазрати Имом мажмуалари сингари табарруқ масканларда олиб боришдан катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида бундай обидалар дийримизнинг гўзал, файзли масканларига айланди.

Ана шундай савобли ва улғувор ишларнинг узвий қисми сифатида диний маърифат асосла-

рини, дунёвий илмларни чуқур ўрганиш мақсадида Тошкент Ислам университети ташкил қилинди ва талабаларнинг замонавий тахсил олишлари учун барча шарт-шароит яратилди.

Бундай савобли ва олижаноб ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз пойтахти азим Тошкентнинг кўҳна Минор мавзесида муҳташам масжид барпо қилинди.

Илгари хабар берганимиздек, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов шу йилнинг 18 июль кунини бу масканда бўлиб, қурилиш ишлари билан танишган эди.

Юртбошимиз бу ерда моҳир қурувчи, муҳандис ва усталарнинг фаолияти билан танишар экан, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида фикр билдириб, мажмуани янада такомиллаштириш бўйича муҳим кўрсат-

ма ва тавсиялар берган эди.

Орадан икки ярим ой ўтиб, мажмуадаги ишлар ўз ниҳоясига етди.

1 октябрь кунини, муқаддас Курбан ҳайити арафасида Ислам Каримов ушбу эзгулик масканига ташриф буюрди.

Шу ўринда айтиш керакки, Президентимиз гоёси ва амалий тақлифлари асосида яратилган ушбу лойиҳада миллий меъморчилигимизнинг, бутун дунёда машҳур бўлган масжид ва мадрасалар қуришнинг азалий анъана ва услубларидан ижодий фойдаланган ҳолда, ҳар жиҳатдан бетакорр, муаззам мажмуа барпо этиш кўзда тутилган эди.

Давлатимиз раҳбари муҳташам мажмуани ва унинг атрофида олиб боришган кенг кўламли ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишларини кўздан кечириди.

Муқаддас динимизга мувофиқ масжидда Куръони каримдан тиловат қилинди.

Ислам Каримов масжиднинг ички ва ташқи қўриниши, баҳаво айвонлари, миллий ўймакорлик услубида ишланган устунлар, бино қўббасидаги олтин суви билан зийнатланган нақшларини кўздан кечириб, қўли гул усталарнинг меҳнатига муносиб баҳо берди.

Айни вақтда нафақат мамлакатимиз, балки минтақамизда ягона, бетакорр бўлган ушбу дину диниат маскани ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиши, бу ерга тоат-ибодат ниятида келадиган мўмин-мусулмонлар учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш бўйича қурувчи ва мутахассисларга зарур топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Халқимизнинг пок қалбини, олижаноб орзу-интилишларини, эзгу ниятларини ўзида мужассам этган ушбу муаззам меъморий мажмуа маънавийлигини янада юксалтиришга, юртимизда эзгулик нуруни зиёда этишга хизмат қилиши муқаррар.

ЎЗА

МЕҲР ВА МАЪРИФАТ БОҒБОНЛАРИ

Маънан баркамол, жисмонан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни камол топтириш мустақил мамлакатимиз истиқболини яратиш йўлидаги энг олижаноб вазифалардан биридир. Мамлакатимиз ўқитувчи ва мураббийлари ана шундай улғув ва савоб ишларга сафарбар этилган. Шунинг учун ҳам улар ҳамisha эл-юртимиз ардоғида бўлиб, масъулиятли ва шарафли меҳнатлари қадр топиб бормоқда. 30 сентябр кунини таълим соҳаси раҳбарлари, фаол ўқитувчи ва мураббийлар пойтахтимиздаги ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйиб, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган замонавий ин-

шоотлар, таълим, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолияти билан танишдилар. "Туркистон" саройида ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Мамлакатимиз умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлири ўқитувчилари, мураббийлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Давоми учинчи саҳифада.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Айнан маърифий туризм бугунги кунда дунёда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда ва менинг назаримда, бутун сайёҳлик соҳасининг энг муҳим кадрларидан бирига айланмоқда.

Бугун биз туризмнинг ўрни ҳақида, айниқса, халқаро сайёҳликнинг ҳозирги босқичдаги аҳамияти ҳақида гапирганда, энг долзарб масалалардан бири — бу толерантлик тамойили бўлса керак, деб ўйлайман.

Биз айнан туризм орқали толерантлик нима эканини биламиз, англаймиз. Бу халқаро тушунча бўлиб, дунёдаги барча миллатларга бирдек қадри ва тушунарлидир. Толерантлик авваламбор турли миллатга мансуб инсонларнинг бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлишини ва энг асосийси бир-бирини тушунишни англатади.

Бу киши тушунгани ана шундай англаш қарадаки туризм ривожланган бўлса — ўша ерда толерантлик бор, деб айтишга имкон беради, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Буларнинг барчаси турли даврларда Буюк ипак йўли бўйлаб ўтган машҳур саёхатчи ва тадқиқотчиларнинг қўлдалликларидан ўз ифодасини топган. Бу инсонлар турли миллат вакиллари бўлганлар, хусусан, хитойлик Чжан Цянь, италиялик Марко Поло, испаниялик Клавихо, арабистонлик Ибн Фадлан ва Ибн Баттута, америкалик Пампелли, англиялик Женинсон, германиялик Шильтбергер, франциялик Мартен ва Бонвалло, венгриялик Вамбери, швейцариялик Хедин ва швейцариялик Майяр шулар жумласидан дур. Уларнинг орасида турли касб эгалари — зиёратчилар, миссонерлар, савдогарлар, олимлар, дипломатлар, тадқиқотчи ва адаблар бўлган. Уларнинг ҳар бири халқаро туризмнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихига салмоқли ҳисса қўшган ва бунинг учун биз улардан бениҳоя миннатдоримиз.

Самарқанд шаҳридаги деворий расмларда Ўрта Осиёга дунёнинг турли ўлкаларидан келган элчилар, савдогар ва саёхатчиларнинг ташрифи ўз аксини топган. Бу ноёб тарихий асарда бундан 2,5 минг йилдан зиёд аввалги даврда Афросиёб ҳукмдорлигини саройинда Хитой, Корея, Жанубий ва Шимолий Осиё ва бошқа давлатларнинг элчиларини қабул қилиш маросимлари тасвирланган.

Шунинг учун ҳам 20 йил аввал Буюк ипак йўли бўйлаб сайёҳликни ривожлантириш бўйича халқаро лойиҳага аъзо мамлакатларнинг Самарқанд декларацияси айнан Самарқанд шаҳрида қабул қилинган бежиз эмас. Ушбу ҳужжатда 2-2,5 минг йил олдин Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ва Яқин Шарқнинг бепоён минтақалари орқали ўтиб, Осиё ва Европа мамлакатларини савдо ва маданий алоқалар билан боғлаган мана шу қадимий трансконтинентал йўналишда халқаро туризмни қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш масаласи баён қилинган эди.

Биз Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг 2004 йилда Самарқанд шаҳрида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг ипак йўлидаги минтақавий марказини ташкил этиш ҳақидаги қарори ўз вақтида қабул

қилинган ва ҳар томонлама тўғри қарор, деб ҳисоблаймиз.

Хурматли форум иштирокчилари! Бугунги кунда дунёда шиддат билан ўзгариб бораётган вазият, глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, тез-тез такрорланаётган жаҳон иқтисодий ва молиявий инқирозлари халқаро туризм ривожини йўлида турли муаммолар туғдириб, унинг олдида янги-янги талаблар қўётганини, табиийки, биз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг айримлариға қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини белгиладиган **энг муҳим омиллар**, ҳеч шубҳасиз, бутун дунёда, турли минтақаларда, сайёҳларни қабул қиладиган ҳар бир давлатда тинчлик, хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашдан иборат бўлиб қолмоқда.

Халқаро терроризм ва экстремизм, тобора авж олиб бораётган радикализм, маҳаллий урушлар ва бир жойдан иккинчи жойга боришда хаттарлар пайдо бўлаётгани туризмни ривожлантириш борасидаги ҳар қандай саёхатка янги йўлга чиқарадиган тўсқинча айланганини исботлаб ўтиришининг ҳолати йўқ ва биз буни аниқ мисолларда кўряпмиз.

Ана шу сабаблар оқибатида кечагина туризм гуркираб ривожланган мамлакатларда бугун сайёҳлар оқими кескин қайтаётгани ёки бутунлай тўхтаб қолгани ҳақида мисоллар келтиришининг зарурати бўлмаса керак — ҳамиша, таъбир жоиз бўлса, сайёҳлар оқимининг қорраҳис бўлиб келган айрим Яқин Шарқ мамлакатлари мисолида буни кўриб турибмиз.

Ўзингиз қаранг, Сурия ва Ироқда, дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган, бизнинг аجدдоларимиз, масалан, Муҳаммад Хоразмий фаолият кўрсатган, "Байтул ҳикма", яъни "Ҳикматлар уйи" деб ном олган жаҳондаги биринчи академия ташкил этилган Бағдодда бугунги кунда туризм борми?

Ҳозирги вақтда Бағдод қандай аҳволда, Дамашқ ва бу минтақадаги бошқа шаҳарлар қандай аҳволда? Бундай ҳолатнинг сабаби эса фақат битта: аввалги ёдгорликлар, музейлар сақланиб қолган, аммо сайёҳлар учун қафолат йўқ, хавфсизлик йўқ. Тинчлик ва хавфсизлик бўлмаган жойда эса ҳеч қандай сайёҳлик бўлиши мумкин эмас. Бу ёдгорликларни кўриш учун ким жонини хавф-хатарга қўяди? Агар ана шу нуктаи назардан қарайдиган бўлсак, бугунги кунда тинчлик-осойишталик ва турли халқлар ўртасидаги ўзаро бир-бирини тушуниш қандай ҳал қилувчи омил эканини барчамиз яхши биламиз.

Иккинчи муаммо, туризм соҳасидаги фаолиятни ривожлантириш аҳолининг ҳаёт даражаси, даромади ва фаровонлигининг ошиб бориши билан бевосита боғлиқдир.

Бу ҳақиқатни жаҳонда туризмга талабнинг асосий ўсиш кўрсаткичлари ривожланаётган давлатлар, биринчи навбатда, Осиё мамлакатларининг жадал суруятлар билан юксалиб бораётган иқтисодийотида шаклланаётгани ҳам тасдиқлайди. Бошқача айтганда, иқтисодийнинг ривожланиш даражаси,

унинг кўрсаткичлари туризмда бамисоли кўзгудагидек ўз аксини топмоқда.

Учинчидан, бугунги кунда халқаро туризм ўрта синф учун дам олишнинг кенг тарқалган турига айланиб бормоқда.

Шундай бир қонуниятни кўриш, қузатиш қийин эмас — қайси мамлакатда ўрта синф қатлами қанча кўп ва кенг бўлса, унинг сайёҳлик салоҳияти ҳам шунчалик юқори бўлади.

Бу борада ўрта синфга мансуб одамларнинг жуда ҳаракатчан ва тадбиркор бўлиши, уларнинг янгиликларни излаб яшашга, ўз қобилияти ва имкониятларини амалга оширишга интилиши муҳим ўрин тутайди.

Тўртинчидан, сайёҳлик инфратузилмасининг ривожлангани, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбуллиги, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ва умуман, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча хизматларнинг қўлайлиги, замонавий ахборот технологияларининг жорий этилгани — биз ҳар қадамда дуч келадиган масалаларнинг ҳаммаси бу борада катта аҳамиятга эга.

Бешинчидан, мазкур соҳада кўп нарсаси туризм сановатиға йўналтириладиган инвестициялар даражасига боғлиқ бўлиб, бу бюджет маблағларини ва мазкур соҳага маблағ сарфлаши учун хусусий капитал ва бизнесга давлат томонидан зарур имтиёз, преференция ва рағбатлантириладиган омиллар яратилишини, инфратузилма, меҳмонхона ҳўжалиги, транспортни ривожлантириш, замонавий алоқа ва бошқа хизматлар кўрсатиши таъминлаши ўз ичига олади.

Сайёҳлик комплексларини барпо этиш, тарихий объектлар, турли давр ва маданиятларга оид архитектура ва санъат ёдгорликларини ўрганиш ва асраб-авайлаш, сайёҳлик логистикасини ривожлантириш биринчи навбатда айна шу йўналишдаги ишларга боғлиқ.

Олтинчидан, юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласи туризм соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи омил бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда замонавий мутахассислар тайёрлайдиган 5 та олий ўқув юрти, жумладан, Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг Тошкент филиали ва шунингдек, 11 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда.

Бугун сизлар бизнинг бир нечта коллеж ва лицейларимиз, хусусан, Самарқанд иқтисодий ва сервис институти қошидаги академик лицей билан танишингиз. Жумладан, жаноб Рифаи ҳам бу таълим масканда бўлди. Мен хурсандманки, бизнинг ёшларимиз, фарзандларимиз азия меҳмонларимизни муносиб кутиб олиб, ўзларининг билими ва қобилиятлари, замонавий касб-ҳунарларни, хорижий тилларни қандай пухта ўзлаштиратгани билан сизларда катта таассурот уйғотди.

Мен бутун Ўзбекистон болаларини ўзимнинг болаларим деб атайман. Шу маънода, мен дунёдаги энг бош инсонман. Мазкур лицей ўқувчилари Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби олдида ўз истеъдод ва қобилиятларини намойён этишган. Айни вақтда сизларни ишонтириб айтмоқчиманки, бу ёшлар яна кўп нарсаларга қодир.

Еттинчидан, виза масаласини ва туризм билан боғлиқ бошқа бюрократик расмийчиликларни соддалаштириш, хусусан, сайёҳлик фирмалари фаолияти учун зарур молиявий қафолатлар бериш ҳозирги босқичда халқаро туризмни жадал ривожлантиришда муҳим ўрин тутайди.

Бундай қафолатларнинг йўқлиги кўплаб сайёҳлик операторларининг обрўсига путур етказаятгани, халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг жозибадорлиги йўлида жиддий ғов бўлаётганини биз баъзи мамлакатлар мисолида кўриб турибмиз.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, сайёҳлар бошқа омиллар қаторида ўзлари истаган мамлакатта бориш учун тартиб-қоидаларнинг оддий ва қўлай бўлишига, бу борадаги барча зарур расмийлаштирув ишларини тез ва арзон нархда амалга ошириш имкониятига ҳам эътибор қаратмоқда.

Бу йўналишда электрон технологияларни жорий этиш, виза олиш муддатининг имкон қадар қисқа бўлиши, авиа ва темир йўл чипталарини харид қилиш, интернет орқали "онлайн" режимида сайёҳлик йўналишлари ва меҳмонхоналарни олдиндан банд қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сайёҳлар оқими ва умуман, ҳар бир сайёҳнинг кайфиятини белгилайдиган ана шундай энг муҳим шарт ва қафолатлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Аминманки, бу борада, яъни, туризм соҳаси ва сайёҳлик бизнесида майда нарсанинг ўзи бўлмайди.

Сайёҳнинг кайфияти туристларни қабул қиладиган ҳар қандай мамлакатнинг, айтиш мумкинки, асосий бренди, яъни, товар белгиси бўлиши керак. Агар одамлар бизнинг диёримизга яхши кайфият билан келиб, шундай кайфият билан кетадиган бўлса, Ўзбекистонда туризм соҳаси мустаҳкам асосга қўйилган, деб айтишга ҳақлиқимиз. Бордиро кимдир ёмон кайфият билан кетадиган бўлса, демек, биз унинг олдида қарздорлик. Демак, кейинги сафар айна шу сайёҳни ўзимизнинг ҳисобимиздан юртимизга таклиф қилишимиз керак.

Хурматли сессия иштирокчилари! Биз ўтган давр мобайнида бажариладиган ишларимизни баҳолаб эканмиз, Ўзбекистонда туризм соҳасини халқаро замонавий норма ва стандартлар даражасига кўтариш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини яхши англаймиз.

Ўзбекистонда ушбу соҳани ривожлантиришнинг айрим кўрсаткичлари ҳақида қисқача тўхталмоқчиман.

Мамлакатимизга 2013 йилда дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан сайёҳлар ташриф буюрди ва уларнинг йиллик сони 2 миллиондан ошди. Ўтган икки йил мобайнида бу кўрсаткич 43 фоизга ўсди, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 1 миллиондан ортиқ чет эллик сайёҳ юртимизга ташриф буюрди.

2013 йилда сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажми 615 миллион доллардан зиёдни ташкил этди. Бугунги кунда туризм соҳасида 200 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда, бу тармоқнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигаги улуши 2 фоиздан ошди.

Ўзбекистонда 550 та сайёҳлик компанияси — туроператорлари фаолият юритмоқда, мамлакатимиздаги тарихий

объектлар, архитектура ва шаҳарсозлик обидаларининг аксариятини қамраб олган 110 та халқаро сайёҳлик йўналиши бўйича хизмат кўрсатилмоқда. Бу йўналишларнинг 65 таси тарихий-маданий мерос объектлари, 30 таси табиий-рекреацион, 15 таси соғломлаштириш туризм элементларини ўз ичига олган экологик йўналишлардир.

Ҳозирги пайтда юртимизда 50 мингдан зиёд ўринга эга бўлган 500 дан ортиқ меҳмонхона, мотель ва кемпинглар сайёҳларга халқаро стандартлар бўйича хизмат кўрсатмоқда.

Ўтган даврда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Фарғона ва Навоий шаҳарлари аэропортлари модернизация қилинди ва бугунги кунда Ўзбекистонда 11 та халқаро аэропорт фаолият юритмоқда. Миллий авиакомпаниямиз замонавий "Эйрбас" ва "Боинг" авиалайнерлари билан таъминланган. Ушбу самолётлар Европа, Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Американинг 50 дан ортиқ шаҳарларига мунтазам парвозларни амалга оширмоқда.

Тошкент-Самарқанд-Тошкент йўналиши бўйлаб Испаниянинг "Талго" компаниясида ишлаб чиқарилган, юқори тезликда ҳаракатланадиган замонавий электр поездларининг ҳар кунги катнови йўлга қўйилган. Ўйлайманки, сизлар буни реклама деб қабул қилмайсиз, лекин ўз тажрибамиздан келиб чиқиб, барча мамлакатларга, жумладан, бизга қўшни бўлган давлатларга ана шу компаниянинг поездларини сотиб олишни тавсия этган бўлардим. Нега деганда, ушбу ҳам арзон, ҳам ишончли, энг муҳими, "Талго" фирмаси ўзининг яхши ҳамкор эканини амалда намойён этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юқори тезликда ҳаракатланадиган "Афросиёб" поезди қатнай бошлаганидан буён юртимизда чет эллик сайёҳлар сони сезиларли даражада қўлайди. Бухоро ва Қарши шаҳарларига ҳали юқори тезликда ҳаракатланиш учун мўлжалланган темир йўл тармоқларини электрлаштириш ва қуриш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу эса туризм ривожини унча янги имкониятлар яратмайди.

Ўзбекистонда сўнгги 5 йилда умумий қиймат қарийб 3 миллиард долларлик инвестициялар ҳисобидан умумий 2600 километр бўлган замонавий автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди, шунингдек, кемпинглар, ёнгилик қулиш шохобчалари, овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш масканларини ўз ичига олган кўплаб йўл бўйи инфратузилма объектлари барпо этилди.

Фақатгина жорий йилнинг ўзида халқаро туризмнинг асосий тузилмасини ривожлантириш учун жами инвестицияларнинг 580 миллион доллардан ортиси йўналтирилди ва бу борадаги ўсиш ўтган йилга нисбатан 19 фоиздан зиёдни ташкил этди.

Биз Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, мамлакатимиз ҳудудиде шаклланиб ва ривожланган энг қадимий цивилизация ва маданиятлар, қўшошлардаги ёзувлар ва иероглифларни, ноёб тарихий обидалар, моддий маданият ва меъморлиқнинг улғур ҳамда бетакрор намуналарини назарда тутамиз. Айни пайтда уларни

Япония, Франция, Германия ва бошқа давлатларнинг кўплаб олим ва мутахассислари ўрганмоқда. Шу билан бирга, ўзининг жозибаси ва таровати билан дунёдаги энг яхши дам олиш ва саёхат масканларидан қилинмайдиган гўзал табиатиимизнинг бойлиги ва хилма-хиллигини ҳам бу борадаги энг катта имкониятларимиз қаторида кўрамиз.

Буларнинг барчаси мамлакатимизни жаҳон туризми марказларидан бирига айлантириши мумкин ва зарур. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда турли даврлар ва цивилизацияларга оид 7 мингдан ортиқ ёдгорликлар бор.

Мамлакатимизда юксак сифати ва эстетик жозибаси, қадимий санъат аъналарини ўзида сақлаб келаётгани билан ажралаб турадиган миллий ҳунармандликни қайта тиклаш ва ривожлантириш рағбатлантиришга катта эътибор қаратилётганини таъкидламоқчиман. Ўзбекистонда миллий ҳунармандлик соҳаси солиқлардан тўлиқ озод этилганини алоҳида қайд этишни истардим.

Ҳунарманд усталаримизнинг неча асрлик тажрибасидан юртимиздан ташқарида ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбекистондаги меъморий ёдгорликларнинг ўрта асрларга хос нақш ва безаклари Яқин Шарқ ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида янги иншоотларни қуришда намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Қўлолларимизнинг маҳоратини Франция, Германия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар мутахассислари ўрганмоқда.

Ўзбекистон Париж, Лондон, Берлин, Рим, Токио, Мадрид ва дунёнинг бошқа шаҳарларида ўтказилаётган йирик сайёҳлик кўргазмаларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Жорий йилда йигирманчи бор ўтказиладиган ва сайёҳлик бизнеси соҳасида мулоқот қилиш учун кенг имконият яратадиган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасиға дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатидан 12 мингдан ортиқ киши келиши кутилмоқда.

Қадрили дўстлар! Биз Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан самарали ҳамкорлигимизни юксак кадрларимиз ва ушбу алоқаларни янада мустаҳкамлаш, қўша дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга ишонамиз.

Бу ўринда гап Ўзбекистоннинг сайёҳлик нуфузи ва салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, интернет орқали унинг жозибадорлигини ошириш, бунда Фарғона водийсининг ҳали ўрганилмаган сўлим ва гўзал гўшалари, Тошкент ва Жиззах вилоятларининг тоғ ёнбағридаги экологик тоза масканларидан фойдаланган ҳолда, "Буюк ипак йўли" брендини кенг жорий этиш ҳақида бормоқда.

Биз сизларни нафақат Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида, балки бошқа шаҳарларимизда ҳам қўриш, ўзбекона самимий меҳмондўстликдан баҳраманд бўлишингиздан ҳамиша мамнунмиз.

Бугун мана шу муқташам залда тўпланганларга ана бир бор юксак ҳурмат-эҳтиромимизни изҳор этаман, сессия иши самарали бўлишини, барчангизга сўхат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда янги-янги ютуқ ва омадлар тилаймиз.

Ўзбекистонга кўрсатаётган эътибор ва ҳурматингиз учун миннатдорлик билдираман.

БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ ТАЛЕБ РИФАИНИНГ ЮНВТО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Барчангизни БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси мажлисида қатнашаётганингиз билан қутлаш менга катта шараф бағишлайди.

Президент Жаноби Олийлари, сессиямиз ишида иштирок этганингиз учун Сизга самимий ташаккур изҳор этаман. Бу Сизнинг Ўзбекистон тараққиётининг муҳим йўналишларидан бири бўлган туризм соҳасини шаксан қўллаб-қувватлаётганингиздан далолат беради.

Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо барча давлатлар ва унинг Ижроия кенгаши номидан форум юксак савидада ташкил этилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдиришмоқчиман.

Самарқанд шаҳри ва аҳолисиға ҳам самимий меҳмондўстлик ва бугунги тадбирни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўрсатган ёрдами учун чин қўнгилдан ташаккур айтаман.

Салкам 3 минг йиллик тарихга эга ва дунё тамаддуни бешикларидан бири бўлган қадимий ва улғувор Самарқанд шаҳрида йиғилганимиздан барчамиз ғоят мамнунмиз.

Самарқанд — бу асрлар жипосини мужассам этган ва ўзининг бетакрор қиёфаси ва ноёблигини сақлаб келаётган замонавий шаҳардир.

Бу бугун биз ҳам бўлиб турган, шарқона шаҳарсозлиқнинг кўп асрлик аъналарини ва замонавий архитектура намуналарини уйғунлаштирган ушбу маҳаббатли мажмуада ҳам ўз ифодасини топган.

Ушбу афсонавий шаҳарға мафтун бўлган

шоир дунёда гар жаннат бўлса, у шубҳасиз Самарқанддир, деб таърифлаган.

Ўзбекистоннинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашгани бу ерда туризм соҳасини кенг ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон туризм соҳасида сезиларли ютуқларға эришди, бунинг самарасида 2013 йилда ушбу соҳаватли заминға 2 миллиондан зиёд сайёҳ келди. Бу 2010 йилги кўрсаткичдан икки баробар кўпдир.

Бу бежиз эмас. Ўзбекистон ҳудудида 7 мингдан ортиқ тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Шарқ дурдоналари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент, Қўқон, Термиз шаҳарлари ва кўплаб обидалар шулар жумласидандир.

Шу йилнинг май ойида Самарқандда Ўрта асрларда Шарқда яшаб ижод этган Буюк аллома ва мутафаккирлар илмий меросининг замонавий цивилизацияға таъсири масаласига бағишланган ва жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини тортган нуфузли халқаро анжуман бўлиб ўтди. Бундай тадбирлар Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини оммалаштиришға ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Кеча Самарқанд иқтисодий ва сервис институти қошидаги академик лицейға ташриф буюриб, у ерда Ўзбекистон ёшлари илғор таълим технологиялари асосида билим олаётганиға гувоҳ бўлдим. Улар келажакда ўз мамлакатини, унинг равнақи, бой тарихи ва маданий меросини асраб-авайлаш ва янада бойитишға хизмат қилади. Инглиз, немис, француз, араб, итальян

ва бошқа тилларда эркин сўзлаша оладиган бу ёшлар Ўзбекистоннинг келажатидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаган туризм инфратузилмасини тақомиллаштириш муҳимлиги ҳақидаги фикрга мен тўла қўшлман. Замонавий аэропортлар ва темир йўл коммуникациялари, меҳмонхона ва ресторанлар тармоқини янада ривожлантириш, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг сайёҳлик жозибадорлигини оширади.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганиға гувоҳ бўлдим. Бугунги маҳлис иштирокчиларининг аксарияти Тошкент-Самарқанд йўналиши бўйлаб юқори тезликда ҳаракатланадиган электр поездидан фойдаланди. Бу поезд туризмни ривожлантиришға ҳам ёрдам бериши мўқарар.

Европа тарихида муҳим ўрин тутган Ренессанс, яъни, Ўйғониш даври аслида мана шу заминда анча илгари бошланганини таъкидламоқчиман ва замонавий маданият ҳамда цивилизация айна шу минтақада пайдо бўлган, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Туризмни ривожлантириш катта масъулият талаб этади. Ўзининг тарихий ва маданий меросини асраб-авайлаб келаётган Ўзбекистонда умумбашарий бойлик ҳисобланган ноёб тарихий ёдгорликларни реставрация қилиш ва қайта тиклашға катта миқдорда маблағ йўналтирилаётгани қувонарли ҳолдир.

Айни пайтда Буюк ипак йўли машҳур бренда айланди ва бепоён Осиё минтақаси, жумладан, Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантиришға хизмат қилмоқда.

САМАРҚАНДА ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ФОРУМИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси халқаро авиаташувлар бозорига муносиб ўрин эгаллади. Бугун Ўзбекистонда ўн битта халқаро аэропорт фаолият кўрсатмоқда. Ҳаво кемалари парки ва аэропортлар модернизация қилингани, парвозлар географияси кенгайгани турдм соҳасини янада ривожлантириш, сайёҳларни юртимизга жалб этишда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори туризм ва сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, миллий туристик хизматларни халқаро сайёҳлик бозорларига фаол тақлиф этишда муҳим дастуруламал бўлмоқда. “Ўзбектуризм” миллий компанияси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси ва бошқа ташкилотлар “Ўзбекистон” миллий тенди доирасида дунёнинг кўллаб йирик шаҳарларида ўтказилаётган халқаро кўргазмаларда мунтазам иштирок этиб келаётган. Бу мамлакатимиз сайёҳлик ташкилотларига хорижий ҳамкорлар билан янги алоқалар ўрнатиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик олиб бориш имконини бераётган.

Сайёҳликни ривожлантириш ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ. Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, поштакоммуникация Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туризм коллежларида сайёҳлик маркетинги ва менежментни, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона бошқаруви ва ресторан иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Юртимизнинг ҳар бир гўшаси ўзига хос аъёналари, тарихий обидалари, табиий иқлим шароити билан ажралиб туради. Аҳоли даромадлари ошиб бораётгани ва сайёҳлик инфратузилмаси такомиллашган самарасида мамлакатимизда ички туризм ҳам тобора ривожланмоқда. Ҳар бир худуднинг ўзига хос жиҳатлари, ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда манзилли дастурлар амалга оширилмоқда. Масалан, тарихий обидалар камроқ бўлган жойларда экотуризм, геотуризм, off-road сайёҳлари, тоғли зоналарда экстремал туристик хизматлар ташкил этилмоқда. Сайёҳликни ривожлантиришга қаратилган ҳудудий дастурларга мувофиқ маданий мерос объектларини реставрация қилиш, туристик объектларни қуриш ва таъмирлаш, янги сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш, сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотига 1993 йилда аъзо бўлган. Самарқандда мазкур ташкилотнинг Буюк ипак йўлида сайёҳликни ривожлантириш бўйича минтақавий маркази фаолият юритмоқда. ЮНВТОнинг 2011 йил октябры ойида Жанубий Кореяда ўтган Бош ассамблеясида Ўзбекистон Республикаси иккинчи марта ушбу ташкилот Ижроия кенгаши аъзоси этиб сайланди. Бу мақомга дунёнинг жуда кам давлатлари сазовор бўлган.

2014 йилнинг июнь ойида Испаниянинг Сантьяго-де-Компостела шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 98-сессиясида Ижроия кенгашининг навбатдаги 99-сессиясини Самарқандда ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

“Ер юзининг сайкали” ва “Шарқ гавҳари” деб аталувчан қадимий ва ҳаммиса навқирон Самарқанд азалдан ўз кўрму салобати билан барчани мафтун этиб келди. Шаҳарнинг қадимий ва замонавий иншоотлари, гўзал ва сўлим табиати сайёҳликни ривожлантириш учун улкан имкониятлар яратмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, Самарқанд тупрогининг ҳар бир заррасида улуг бир ҳикмат бор, ҳар бир кўчаси, майдон ва хиёбонида салобат, файзу тароват бор. Бу қадимий ва ҳаммиса навқирон шаҳарнинг ҳар бир гишдида бунёдкор ҳалқимизнинг буюк истеъдоди ва маҳорати, боқий қадриятлари муккасасм.

Истиқлол йилларида Самарқанд ўзгача тароват ва маҳобат касб этди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Самарқандда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳар марказида Соҳибқирон бобомизнинг салобатли ҳайкали қад ростлади. Мирзо Улуғбек расадхонаси ва мадрасаси қайта таъмирланди. Президентимиз фармонида мувофиқ 1996 йил 18 октябры кун Самарқанд шаҳри “Амир Темур” ордени билан мукофотланди. Шундан буён бу кун юртимизда Самарқанд шаҳри кун сифатида нишонлаб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқанднинг асл тарихий қўбасини тиклаш, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш борасида беқўёс ишлар амалга оширилди. 2007 йилда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги кенг нишонланди. Ушбу қутлуг тўй арафасида боқий шаҳар янада гўзаллашди. Барпо этилган ўнлаб ижтимоий-مائий иншоотлар – таълим муассасалари ва спорт майдончалари, тиббиёт масканлари ва меҳмонхоналар, магистрал йўллар, кўркам боғу хиёбонлар Самарқанд аҳолиси ва меҳмонларига ҳар томонлама муносиб шароит яратиб бераётганда, қадим шаҳар кўрмига кўрк қўшмоқда. Амир Темур, Рухобод мақбаралари, Регистон майдони, Ҳазрати Ҳизр ва Бибихоним масжидлари, Шохи Зинда ёдгорлиги, Мирзо Улуғбек расадхонаси қайта таъмирланди. Уларни бир-бирига боғловчи кичик ҳалқа йўлининг қурилиши шаҳар аҳли ва сайёҳлар учун яна бир қулайлик яратди.

Самарқанднинг сайёҳлик имкониятлари шаҳар иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда бу ерда юздан зиёд сайёҳлик фирмаси ва юзга яқин меҳмонхона фаолият кўрсатаётган.

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш учун яна бир қулай имконият бўлиб, хорижий сайёҳлик ташкилотлари ва компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлашга хизмат қилади. Сессия дунёнинг етакчи экспертларига жаҳон сайёҳлик бозорининг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳусусида тажриба алмашиш, бу борадаги янги тенденциялар, долзарб сайёҳлик муаммоларини муҳокама қилиш имконини бераётган.

Халқаро анжуман иштирокчилари Регистон мажмуаси, Амир Темур ва Аҳмад Дониёр мақбаралари, Мирзо Улуғбек расадхонаси, “Афросиёб” музейи каби диққатга сазовор жойлар ва замонавий таълим муассасалари фаолияти билан танишди. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида Самарқанд шаҳрида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига, шаҳарнинг улкан сайёҳлик салоҳиятига, соҳада кадрлар тайёрлашга қаратилган алоҳида эътиборга юксак баҳо берди.

Сессиянинг ялпи мажлисида Буюк ипак йўли – халқаро сайёҳликни ривожлантиришнинг янги истиқболлари, соҳада кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, минтақавий ривожланиш ва интеграцияни рағбатлантиришда сайёҳлик маршрутларининг роли, халқаро туризмнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Тадбир доирасида мамлакатимизга сайёҳларни янада кенгрок жалб қилиш бўйича чет эллик мутахассислар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашишмоқда, бу борадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилмоқда.

Халқаро анжуман 3 октябры кунги ўз ишини давом эттиради.

Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
Ўза махсус мухбирлари

МЕҲР ВА МАЪРИФАТ БОҒБОНЛАРИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки қунлариданоқ баркамол авлодни тарбиялаш, малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга кенг яритилиши мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган навқирон авлодни вояга етказиш учун мустаҳкам замин яратди. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида умумтаълим мактабларининг деярли барчаси капитал таъмирланиб, замонавий лойиҳалар асосида юзлаб янги мактаблар қурилди. Мактабгача таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, “Баркамол авлод” болалар марказлари,

спорт, мусика ва санъат мактаблари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Ўқитувчиларнинг самарали меҳнат қилиши учун барча шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундай ғамхўрлик халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган

Ўқитувчилар фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Ўтган йиллар мобайнида умумтаълим, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги кўллаб устоз ва мураббийлар Ватанимизнинг юксак унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлди. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари борлиги янада қувончлидир.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги қарори ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларни пухта биладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шароит

яратмоқда. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Йилнинг энг яхши

фан ўқитувчиси” республика кўрик-танлови таълим фидойиларининг ўзаро фикр алмашишига, ўқув жараёнига янги услуб ва шаклларни татбиқ этишга имкон яратмоқда. Тантанали йиғилишда мазкур танловларнинг 2014 йилги ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси

Шоҳида Орипова, Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раҳбари Энаҳон Сиддиқова, бокс бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси, ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинлари ғолиби Бектемир Мелиқўзиев ва бошқалар таълим-тарбия, илм-фан, маънавият ва маърифат тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар келажаги-миз эгалари бўлган ёшларни Ватанимизга, буюк аждодларимизга муносиб фарзанд этиб тарбиялашга хизмат қилишни таъкидлади. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

ШАРАФЛИ ВАЗИФА

Истиқлол йилларида бошқа соҳалар каби мамлакат таълим тизими ҳам катта ва шарафли йўлни босиб ўтди. Мен ҳам шу жараёнда бевосита иштирок этаётганимдан фахрланаман. Бахтимиз шундаки, биз мустақил юрт фарзандларини, дунёдаги бошқа тенгдошларидан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялаш йўлидан бормоқдамиз. Ўқувчиларимиз жаҳон фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида, мусика ва санъат соҳасидаги турли халқаро танловларда юқори натижаларга эришимизмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан замонавий ўқув масканларининг барпо этилгани, янги лабораториясининг замонавий жиҳозланиши, ўқитувчилар меҳнати моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиши, янги педагогик технологияларнинг амалиётга жорий этилиши ютуқларимиз омилдир.

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари ҳамда касб танилашларида ёрдам берадиган қўшимча таълим муассасалари – болалар мусика ва санъат мактаблари, болалар спорт макбулалари, баркамол авлод марказлари – барчаси янгидан қурилиб, ишга туширилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу таълим муассасаларида фаолият юритаётган соҳа ходимларининг мақсадлари юксак, яъни Ватанга са-

доқатли, эл-юртга муносиб фарзандларни, бир сўз билан айтганда – Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёшларни улғайтиришдир. Бу эса, энг буюк, шарафли вазифа.

Мен она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бераман. Юзлаб шоғирдларим бор. Касбим туфайли эл орасида қадр топдим. “Ўқитувчилар ва мураббийлар кунин” умумхалқ байра-

Ифтихор

ми арафасида эса, юртимизнинг юксак мукофоти – “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирландим. Энг шарафли касб эгаси бўлсанг, яна амалга оширган ишларинг юқори баҳоланиб, мукофотга лойиқ топилсанг. Инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмас керак. Бу менинг ўз касбимга бўлган меҳр-муҳаббатимни янада оширди.

Бугунги ўқувчилар жуда зийрак, тиришқоқ, қизиқувчан ва изланувчандир. Улар халқаро фан олимпиадаларида, спорт ва мусика бўйича ўтказилаётган мусобақаларда юрт шаънини кўтармоқда.

Аммо ёшлар маънавий оламидан издан чиқариш, уларни мақсад йўлидан қалғитиш ниятидаги ташқи таъсирлар ҳам кам эмас. Ахборот хуружлари авж олган ҳозирги мураккаб замонда ёшларга тўғри йўлни

кўрсатиш, қандай бебаҳо мерос воқислари эканлигини ўқитиш, нафақат билим, балки тўғри тарбия бериш ҳам бурчимиздир. Зеро, Юртбошимиз кун-кеча мамлакат ўқитувчи-мураббийларига йўллаган табригида: “Мамлакатимиз, давлатимиз учун ҳал қилувчи мураккаб бир даврда сизлар билан бирга таълим соҳасини тубдан ўзгартириб, замон талаб қилаётган даражага кўтаришга эришганимизни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, бу йўлда сиз, азизларнинг қандай қийин бўлмасин, қатъиятлик ва фидойилик кўрсатганимизни, бу буюк мақсад учун белни маҳкам боғлаб меҳнат қилганимизни мен чинакам жасорат, деб баҳолайман...”, дея бизга ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Келажак эса айни пайтда мактаб парталарида сабоқ олаётган ўқувчиларимизники. Уларни Ватанга муносиб, эл-юртини улғайтириш ишонлар этиб тарбиялаш бизга катта масъулият юклайди. Бу йўлда тинимсиз ўқиб-ўрганишимиз, замонамизнинг илгор педагогик тажрибаларини ўзлаштиришимиз лозим.

Гўёхон ХУДОЙНАЗАРОВА,
Бўз туманидаги
46-мактаб ўқитувчиси,
“Фидокорона хизматлари учун”
ордени соҳибаси.

дан хабар олиш, мурувват кўрсатиш каби эзгу амаллар кўпроқ намоён бўлади. Президентимизнинг “Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарорда ушбу айёмнинг жойларда тартибли ва юқори даражада, хал-

ҚУТЛУҒ АЙЁМ

қимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширишда мутасадди идора, жамоат ташкилотлари қатори маҳалланинг ҳам ўрни алоҳида эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Президентимиз раҳнамолигида миллий урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш, азиз-авлиё ва улаомларимизнинг қадамжоларини обод қилиш, зиёратгоҳларини, тарихий обидаларни асраб-авайлаш, табарруқ

Шукрона

раётган бунёдкорлик ишлари билан бугунги кунига шукрона айтиб, эртанги кунига умид кўзи билан боқадим.

Ўткир МУҲАММАДЖОНОВ,
Тошкент шаҳридаги “Минор”
маҳалласи фуқаролар йиғини раиси

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимларида

Шаҳар Зобитлар уйида “Мустақиллик тақдиримизда!” мавзусида ўтказилган адабий-бадийи кечада мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватан мудофааси, тинчлик ва осойишталикни сақлашга доир адабий композициялар ижро этилди.

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейида “Ким эдигу ким бўлди” мавзусида ўтказилган давра суҳбатда адабиётга эътибор, ижодкорларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида сўз юритилди.

Тошкент вилояти. Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир Бекобод тумани дала меҳнатчилари ҳузурида бўлиб, бугун юртимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар тўғрисида сўзлаб берди. Янги шеърлар ўқилди. Учрашув сўнида шоир мух-

лисларга ўзининг янги китобларидан совға қилди.

Шундай тадбир Чиноз туманида ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов, “Нихол” мукофоти соҳибаси Раҳшона, шоир Ботир Эргашевлар иштирок этган тадбирда ҳам адабиёт мухлисарига китоблар ва эсдалик совғалари топширилди. Окхўрғон, Пискент, Юқори Чирчиқ, Бўжа, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ туманларидаги учрашувларда Нуриддин Аминжон, Умида Абдузаммова, Ашурвали Боймурод, Мирзо Карим, Рустам Мирвоҳид каби ижодкорлар иштирок этиб, дала меҳнатчилари ва адабиёт мухлисларини қизиқтирган қўлдан-қўп саволларга жавоб бердилар.

Фарғона. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими Увайсий уй-музейида “Олтин қалам” ва “Жаҳон отин Увайсий” адабий тўғараклари иштирокида “Жоним сенга бахшида она юрт” мавзусида маънавий тадбир ўтказилди. Унда устоз ва ёш шоирлар иштирок этишди.

Фарғона Давлат университетида Ўзбекистон халқ шоирлари Анвар Обиджон ва Иқбол Мирзо билан адабий учрашув бўлиб ўтди. Ижодкорлар Энаҳон Сиддиқова, Сиддик Мўмин, Баҳодир Исо ва ёш ижодкорлар Ватанини тараннум этувчи шеърларидан ўқидилар. Адабий-маърифий тадбир Фарғона Зобитлар уйида ҳам давом этди.

Ахборот хизмати.

Дилноза ҲАМРОЕВА

ОНАМ ЁПГАН НОНДЕК ИЖОД БЎСТОНИДА БИР ГУЛ



Адабиёт даргоҳи кенг, сержило ижод бўстони. Бу фарахбахш бўстонга киришни кўп ёшлар орзу қилади, унинг бахтидан бахраманд бўлишга интилади, изланади. Аммо кимдир ўз орзусига эришади, кимдир ижодни аро йўлда ташлаб кетади. Шеърят сарчасмасининг лаззатбахш сувларини тотмоққа киришган Дилноза Ҳамроева ижод бўстонини тарқ этмасликка аҳд қилган. Шу босисдан у ҳали Бухоро туманидаги 41-мактабнинг 7-синфида ўқийётгандаёқ қўлига қалам олди, ўқиди, ўрганди, изланди ва ниҳоят дилкаш шеърлар ёза бошлади.

Тўғри, дастлабки машқлари талабга унча жавоб бермасди. Бироқ ёш бўлишига қарамай ти-

нимсиз изланиш ва интилувчанлиги унга кенг йўл очди. Натижада яхшигина самимий шеърлар ёза бошлади. Инсон руҳий кечинмалари бирин-кетин унинг сурурбахш шеърларида ўз аксини топди. Шеърларида бадиий равонлик, адабий-эстетик талабчанлик фазилатлари яққол кўрина бошлади. Дилнозанинг маҳорати шеърдан шеърга ўсмоқда, ижодини камол топтирмоқда.

Ишонаманки, Дилноза Ҳамроева келгусида ижод бўстонининг серифоти яшнаб турган бир гулига айланади.

Бахшулла РАЖАБ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

КУЗ

Табиат кийибди тилло либосин,
Дарахтлар бошида олтиндан тожлар.
Нозик ниҳолларнинг яшнаб ибоси,
Қушлар хоншидан диллар очилар.

Офтоб ҳам сочади заррин нурини,
Боғларнинг жамоли ҳаёлим олди.
Ойомо сочади тун сурурини,
Анвойи чечаклар қирларда қолди.

Далани яшнатар юртим малаги,
Ошпоқ пахтапайкал ҳазина, кондир.
Сарбаланд жондорлар осмон тиргаги,
Табиат неъмат — қузги нийомдир.

МАНЗАРА

Ёзининг қанотида боғимга ўқдим,
Қўркам манзарага кўнглим маҳлиё.
Парвоздаги қушни ҳайлан қўчдим,
Саҳий офтоб яйраб, тарқатар зийё.

Гилослар ҳуснини қилади кўз-кўз,
Шафтоли ўзига берибди оро.

Тилим лол қолди-ку, айтолмайман сўз,
Келинчакдек гўзал боғлар дилрабо.

Онам ёпган нондек қирмизи олма
Барглар соясида ухлайди беғам,
Ўшми юзларини кўрмасдан қолма,
Гўзал товлангучи атиргулни ҳам.

Қуёш тухфа этди чароғон олам,
Ёмғирда чўмилиб бўлибди тилло.
Оймомо сув узра солгандир гилам,
Табиат сеҳри-ла берилган жило...

ЁМҒИР ЁҚҚАНДА...

Ёмғир юрагимга санчасан тикан,
Тўлини ой оҳ уриб чекарми нола?
Бу томчи юлдузининг кўз ёшимикан,
Ғамгин осмонинида ундими лола?

Эй, ёмғир томчингла кўрлим бир олам,
Беғубор дур каби нурли бир туйғу.
Дардингни айтоққа ожиздир қалам,
Балки осмонинида ёилар орзу.

Англадим ёмғирнинг кўз ёшларини,
Самонинг кўксидан ювилар доғлар.
Офтоб сочар фалак нақошларини,
Камалак яратар осмонда боғлар...

ТАБИАТ СЕҲРИ

Ялпиз барглари эркалар шамол,
Ғунчалар ўз тутар офтоб нурига.
Сочини яради тунда мажнунтол,
Тўлини ой ёлдуси, сеҳри, дурига.

Орзулар кемаси сузар осмонда,
Ҳиссиёт шохининг асирасиман.
Туйғулар жўшадиги покиза қонда,
Ўтли шеърининг қасидасиман.

Шодлик шамчироғи таратар нурини,
Қўклам қувончининг қутлайди ёмғир.
Шодликдан юраклар чертар танбурин,
Лолалардан либос кийганида қир.

Дилноза ҲАМРОЕВА 1999 йили Бухорода туғилган. Ҳозирда Галаосиё Педагогика касб-ҳунар коллежининг 1-босқич талабаси.

Нафосат куртагин очади офтоб,
Гуллар ифорида сармаст саболар.
Юлдузи бағрига чорлаган моҳтоб,
Булбуллар тилида қуйлар, наволар...

ИШТИЁҚ

Адиқлар ортидан мўралар қуёш,
Яралгай янги қун, янги орзулар.
Табиат уйғониб кўтарали бош,
Дилларни уйғотар тонгги туйғулар.

Субҳидам дунёси, эзгу тилақлар,
Яшнаган иштиёқ — ўзгача сафо.
Қувонч қанотида жўшқин юраклар,
Офтоб нурларига беланган само.

Юзимга урилар сувнинг салқини,
Шодлик қуйин чалиб оқади дарё.
Уйғоқ дил англай ҳаёт завқини,
Орзу оғушида яшнаган дунё.

ОРЗУ

Осмонда учади орзу оққушим,
Тилак қанотида яйрайди тушим.
Қувонч саройига қўнганда ҳушим,
Юракда гул очар энг эзгу орзу.

Терак япроқлари чалганда найин,
Шўх сабо сочинми эркалар майин,
Юлдуз ёлдусини сезганим сайин,
Юракда гул очар энг эзгу орзу.

Шодлик қуйларини сочади булбул,
Камалак тутади даста-даста гул,
Севинч боғларида унганда сувбул,
Юракда гул очар энг эзгу орзу.

Шудринг шуқуҳини симираб малак,
Ҳаё оғушида учар камалак,
Тилақлар торини чертдинг, о, юрак,
Энди гул очгуси энг эзгу орзу.

ВАТАН

Гуллаган қалбимда унган лоласан,
Саҳар сабосида пок шалоласан,
Оймомо йўллардан ошпоқ шуъласан,
Баркамол аялдога қанотсан Ватан!

Кўзгунинг бўлади тунда тўлини ой,
Тилла кўнгиригин эгар зар бугдой,
Чаноқда "оқ олтин" кўрсатар чирой,
Даланинг бағрида баётсан Ватан!

Шижаотда яшар умрим кундузи,
Самога чорлайди билим юлдузи,
Иқбол чинорида ижод илдизи,
Иштиқбол қасрида маёқсан Ватан!

АППА

Борлиқни соқиллик қучоқлаган дам
Жаранглар бир садо жўшқин юракдан.
Хушнаво булбуллар сайрамаса ҳам
Ховуч-ховуч дурлар туршар фалакдан.

Қушлар полдонини аллалар аста,
Ором қайғида сузади олам.

Тоғаси Рўзвойи полдоннинг қутилмаган ташри-
фидан сўнг Самандар шодлик не эканини унутди —
боладан жонсарақ йиғитчага айланди. У табиатан
тиррак, бахт ва шодликка йўғилган бола эди —
тонгда тоғ бошидан аста балқийдиган қуёшдан шод-
ланар, оқшом офтобнинг ботишидан ўзига хос сеҳр
қидира, танқиддан узилаётган иссиқ нон ҳидидан
вужуди қувончга тўлар, деворсиз кенг ҳовли саҳи-
да қайноқ гармоселдан ҳосил бўлган қочқина уюрма
кетидан қуялаб, бошдан-рўк чанга беланар, эшик
олида эчки-кавара экан у тул атиргулга кундан
сув қўяр, ҳар-янги очилган гулни завқланиб томоша-
қилар, мабодо қибла томондан тентак шамол кўзал-
гидек бўлса, ҳовлининг жанубий чеккасидаги
дўнгликка чиқиб, ҳализамон қанот қочиб ўчиб кета-
дигандек, қулочини кенг ёзганча, қўсини шамолга
тутар, тунлари эса юлдузлар билан сўйлашиб, сир-
ли коинот сарҳади қаерга бориб туташуни унинг бу
қадар чек-чегарасизлигини ҳеч тасаввурига сиғди-
ролмай, шу сойда ширин уйқуга кетар ва навбатда-
ги оппоқ тонгини тагин хушнудлик билан қаршилар-
ди. Боз устига, ҳафта бурун тевараги эгри-бугри оғоч
ходдалар билан ўралган кўрада оппоқ бўталок пайдо
бўлди-ю, унинг қундалик бир қувончи мингга айла-
нди, жониворнинг ёнидан нари жилломай қолди.
Аваллига қовоқлари солинган, лаблари шалпайган,
қисқаси, шакли шамойили беўшсов жониворга қизи-
қшдан бўлак туйғун туймади. Қачонки унинг кат-
та-катта кўзларига муҳрланиб қолган ададсиз мунг-
ни иллагагича, жониворга меҳри ортиб, уни хуш-
нуд этиш тараддудига тушди. Бу борада қилмаган
иши, қўлламаган амали қолмади — силлади,
сийпаляди, бисотидаги бор ширин сўзла-
ри билан эркалади, оғзига не бир емиш-
лар тутмади. Жонивор емакдан беш торт-
масди-ю, лекин кўзларига кўнган муш арий демас-
ди — етим қолган қўзичоқдай мунгайиб, дам-бадам
зорли овозда бўзалаб-бўзалаб кўярди. У бўзлаган кез-
лари бола не қиларини билломай, наҳот қидириб,
тутанмас қундалик юмушлар умонига шўнғиган
қўйи, ҳовли юзига ямғирсиллаб юрган энасига умид-
вор тикилади. Афсуски, аёл учун жониворнинг қа-
тақарга чўлоқ товувчаллик ёхуд ем қориладиган пачақ
тоғорачалик қадри йўқ — бўталокнинг зорлинишлар-
ига жуда бепарво, ўта нари борса, уни ўқирнинг
овози бунча хушқ, деб қўй қолади. Отаси Ашур ча-
вандоз эса қачонки ховлига бирор қимса ташриф
буюрсагина унинг мавжудлигини эслаб қолади. Бос-
иси, тоғли худудга бутунлай ёт бўлмиш жонивор сақ-
лаётган кўра ёнидан ҳалигача кишилар бақарқ
ўтиб кетолмайдди. Ўтган ҳам, қайтган ҳам бир дам
ўхтаб, эрмакка уни томоша қиларкан, табиийки, ча-
вандозни гапта тутмай қўймайди... Айниқса, даст-
лабки кунлари, яъни, Ашур чавандоз дастдаги кўра-
да бош соврин — туяни қўлга киритибди, деган
хабардан сўнг, қишлоқда кўрани теварақламаган
одам қолмаган. Болаларни-ку қўяверасиз — ўша кўни
кўра атрофи нақ сайилгоҳга айланган. Болалардан
фарқли ўларок, катталар — бари ўзларича чорва-
нинг пирию ақл-заковатда тенгсиз эмасми — кўрада
бўзалаб турган бўталокдан кўра, унинг фойда-зиё-
нига кўпроқ қизиқишган, буни саклашдан не наф,
не фойда, дея доноларча фикр юритишган. Айни
шу ўй Ашур чавандознинг ҳам ҳаёлида экинчиланиб
турган эса-да, ҳалигача бирор тўхтама келмаган,
ҳозирча билгани шу — жонли бу соврин галабадан
нишона бўлиб, кўрасини бебаз тура турсин-чи, сўнг
бир гап бўлар. Хуллас, туғилган гўшасидан айро туш-
ган жониворнинг барча дарду азоблари қалқиб-сил-
қиб турган мунг тўла кўзларга, боладан бўлак, ҳамма
лоқайд — бир пулга қиммат гурунглари билан ан-
дарман ҳолда келиб-кетилишарарди.

— Кордек оппоққина экан.
— Йўқ, оппоқ эмас, яхшилаб қарагин, ўнгирда
туриб қолган қўклагим қорға ўхшайди.
— Ҳа, қирланган қорға ўхшайди.
— Сутдан чиққанмикан, ўзи бу?
— Қўкмаган-ов.
— Овози ўзи каби жуда беўшсов экан.
— Буни ўстириб-ундириб, минги қилишмоқчи-

ми, нима?
— Буни, ана, эгасидан сўра.
— Буни миниб кўчага чиқса, тоза қизиқ бўлади-
да ўзим...
Фахат биргина киши — қуйидаги сойнинг нариги
бетидидаги қуёқ теракзор сохиби, Амин қотмагина,
одатига кўра, юзинг-қўзинг деб ўтирмай, ўз эъти-
розини билдирган.
— Увол! — деган феълига хос ўқтам оҳангда.
— Ашурвой, бу — увол! Сутдан чиқиб-чиқмаган ушқ
бир жониворни кўрага қамаб, одамларга намойиш
этиб, ёт-бегона жойда жигар-беврини қон қиляп-
санми! Юрт кўрган, юган тутган сендай бир йиғит-
га жуда уят — бу!
— Нима қил дейсиз? — кўра эшигидан сал бе-
рида, йиғитлар даврасида шаънига айтилаётган
мақтовлардан масрурланиб турган Ашур чавандоз-
нинг манглайи тиришиб, унга малолланиб боқади.
— Нима қилардинг, — Амин қотма, шуни ҳам бил-
майсанми, деган йўсинда унга чарсланиб қарай-
ди, — буни пул топиб, ақл топ-
маган ўша аҳмоққа, тўй эгаси-
га обориб бер! Танайман мен
уни! Бир чақалик обрў учун иш-
тонини сотадиғанлар хилидан
у! Айт, буни уюридан, энаси-
дан айирмасин. Тирик жони-
буйтиблар азобга қўймасин! Аҳволига бир қара-
гин! Бунда ичкиби ўлади-ку бу!

Ашур чавандознинг зардаси қайнаб, ўлса-ўлар,
сизга нима, дегиси келади. Лекин демайди, жойи
келса, отасининг аямайдиган, нимаси
биландир доим бошқалардан устунли-
ги сезилиб турадиган, ўрликда ҳар қан-
дай одамнинг белини синдирадиган

собиқ муаллим билан ади-бади айтишиб, ҳали ҳеч
ким баҳра толмаган. Шу боис Ашур чавандоз, манг-
лай қашлаб, юзага келган бу нохуш ҳолатдан тез-
роқ қутулиш чорасини қидираркан, орада бўталокқа
шўнчаки бир кўз ташлаб, сўнг дейди:
— Майли, бирор ҳафта туриб турсин-чи, сўнг...
ўйлашиб кўраимиз.

— Ҳа, тезроқ ўйлаб кўр! — Амин қотма хиёлига
юмшаб, қунботишдаги тоғларга ишора қилади, —
Эринма, бир тов ошсанг, дастга етасан...

Бу гап-сўзлар, ота бир ёнда қолиб, болага ўқдек
таъсир қилади. Унинг юраги мисли ўтдек ёнади:
"Агар отам бўталокни эгасига обориб берад бўлса,
бу киши кўраини кўради мендан, уйда бутун хай-
кал қолдирмайман, барини битта қўймай қолиб
ташлайман!" Бола, ҳаёлан, қўлида болта, Амин қот-
манинг ховлисида аста пусиб қиради-да, сўнг қан-
дай сирғалиб, қуйидаги теракзорга туташ кенг-бос-
тирма томон жилади. Тевараги симтўра билан ўрал-
ган ораста бостирмага, Амин қотма табири бил-
лан айтганда, "уй-музей"га кирверишда, дастлаб,
кекса тутнинг йўғон бутогидан ишланган улкан
бўғма илонга дуч келади. Ўткир болта зарбидан
унинг тик кўтарилган боши қоқ иккига бўлинади.
Салдан сўнг илоннинг сўл қаватидан ўрин олган,
чамаси, ёнғоқ илдизидан ишланган маъёс қиёфа-
ли маймун ҳам шу тарзда бошидан жудо бўлади.
Бироқ кулранг-қизғиш қоятош бўлага — қўкка сап-
чиётган "Тоғ эчкиси"ни парчалаш осон кечмайди.
Яхшики, унга қотинмаган маъул. "Тоғ эчкиси"га
бақамти турган "Раққоса"нинг кўллари — заранг
дарахт бутуқлари эса бир-икки енгил зарбданок
чирт-чирт узилиб тушади. У шақини йўқотиб, од-
дий кундага айланган "Раққоса"ни ҳатлаб ўтиб,
беллашаётган "Алплар"га рўпарў бўлади. "Алплар"
ҳамда уларнинг ўнг биқинида қўкка буй қўзиб тур-
ган "Турна" зумда бир қучоқ ўтинга айланади. Ол-
динги ўнг оёғини хиёл кўтарганча, бошини ноз-ла
бир ён буриб турган "Қийик"нинг қисмати ҳам шу
хилда аяун топади. Эҳ-ҳи, бостирма тағида ана
ўнлаб турли хайкал ва хайкалчапар бор, агар жа-
далроқ ҳаракат қилинмаса, ҳализамон уй эгалари
келиб қолиши мумкин.

Бостирма тағидан ўрин олган барча хайкаллар-
нинг шакл-шамойили аслида табиат томонидан

яратилган. Амин қотма уларга жиндек ишлов бер-
ган, ҳолос. Унинг бу сазй-ҳаракати бошқаларга не-
чоғлик эриш туолмасин, одатини сира қанда қил-
майди — тоғу тошлардан гаройиб шаклдаги тошу
бутуқларни терғилаб келиб, теракзорнинг қуёқ
сояси остида уларга сайкал бериб ўтиришни хуш
кўради. У ҳақда неча бор газеталарга ёзишмаган,
бир эмас, уч мартабога ойнаи жаҳон орқали намо-
йиш этилган. Бироқ бу билан Амин қотманинг об-
рўйи ошиб-тошиб қолмаган. Кишилар назарида,
тайин-бетайин ишлар билан ўзини андарман қилиб
юрадиган қатта гўдак у. "Ахир ўзингиз бир ўйлан-
соқли қировлардан қап-қатта одамга тошу тара-
ша қиртишлаб юриш ярашадиган ишми?", "Тагин
газетга мақтаб ёзишганларига ўласанми!", "Туюв
қотми эса анову Ёртиқонни Алпомишини келбатиға
қиёслаб, тозаём ансамизни қотирди денг." Оқшом

Нормурод НОРҚОБИЛОВ

БЎТАЛОҚ

олди булоқ бўйидаги дўппидек дўнгликда қўним
топиб, ўтганининг ўроғига, кетганининг кетмоғига
ёпишадиган қишлоқ катталари, гап йўғида, роса
унинг гийбатини қилишади. Бироқ қани энди, Амин
қотма бу гап-сўзларга эътибор берса.

Бола ўз тасаввурда Амин қотма "уй музей"ини
яқсон этган эса-да, амалда унинг бор қучи ўзи яса-
ган "Қизиқчи"га етади, ҳолос. Кекса толинин ён ил-
дизидан ишланган бу шаклга сўнгги пардоз ишлар-
ни Амин қотма томонидан берилгани сабабли ҳам
бола бор аламини ундан олади. Аввалига қўғир-
чокни бошидан айлантириб отади. Кўра оғочлари-
дан бирига илиниб қолган "Қизиқчи", қучинг ке-
либ-келиб менга етдими, дегандай тиржайиб ту-
раверади. Бола зарда ила уни юлқиб оларкан, не-
гадир бу сафар тақаран ерга эмас, эшикдаги гўнге-
ла устига улоқтиради. Қўғирчоқ, аллақачон чап
қўлидан мусово бўлган эса-да, баттар аламини
қўзитиб, қўкка боққанча, ўша-ўша масхараомуз ил-
жаиб ётаверади. Бу орада бола бирдан инсофга
келиб, зугумни бас қилади. Қўғирчоққа зиён етқа-
зишга ортиқ қўй бормайди. Ахир уни топган қуни
нечоғли қувонмаганди у.

Бола қўлсиз қолган қўғирчоқни яна аввалги
жойига авайлаб остиб қўяркан, қизиқчиғини учун
хатто ундан кечирим сўраган киши бўлади. Сўнг,
беихтиёр қуйидаги қуёқ теракзорга ҳадикла кўз
ташлаб қўяди. Ва, одатдагидек, шуни орзулайди —
қани энди, Амин қотма деганлари ҳеч қачон терак-
зор бағриддан қайтиб чиқмаса-ю, бўталок хусусида
ортиқ отасига тирғалмаса! Бола юқорига ўрлаган
тор сўқмоқда Амин қотма пайдо бўлиши билан, иш-
қилиб, биз томонга қайрилмасин-да, дея ташвиш
тортаверишдан жуда чарчаган эди.

У бу сафар яёв эмас, отда юқорилаётган Амин
қотмани зимдан кузатаркан, ораста қийинганига
қараганда, унинг олисга меҳмонга кетаётганини
дарров фахмлаб, бундан ўзида йўқ севинди. Бироқ
шу он кўра тарафдан келган дўридлоқ овоз бола
қалбиде чечак отган қувончини ер билан яқсон этди.

— Буни кўп бўқиртирмай қозонга босиш керак,
пачча!

У кескин ортига ўгирилиб, кўра эшиги қарши-
сида савлат тўқиб турган тоғаси — Рўзвойи пол-
вонни кўрди.

— Қўшилмада бешбармоқчи қийиб ташлайди-
ган жўраларин бор, — деди тоға бўталокдан ниғоҳ
узмай. — Бир оғиз айтсам, йўқ, дейишмайди, қай-
танга, жон, дейишайди.

Рўзвойи полвон бегона эмас, ўзиники. Бунинг
устига, шу кўнарда Ашур чавандознинг иши ту-
шиб турибди унга. Зора бўзлашлари жонга теккан
манову беўшсов махлўқ туфайли иши битиб кетса.

Шунинг учун дадил деди:

— Хай, қунини айтинг.
— Янаги шанбага нима дейсиз?
— Маъқул-да.

Бу гапдан бола тош қотди. Туман марказида ту-
рувчи ва онда-сонда қишлоқда бир кўриниш бе-
риб, ҳар сафар ёлғиз ўзи яримта қўйни паққос ту-
шириб кетувчи бу одамга фақат Амин қотмагина
бас келиши мумкинлигини ўйлади. Бу ҳолга бир
неча бор гувоҳ бўлган ва тоғасининг ёзғириб: "Қай-
фиятни тоза дабдала қилди-ку бу, а! Бундан сўнг,
агар бизни дегангиз, ёнча! Ўш бдамини дабдала
қилиб йўлатманг", — деганини ўз қулоғи билан эшит-
ган.

У бу ўйдан жиндек таскин топиб, ўша қуни алам
устиде қўлига болта тутмаганидан бир суюнса, ас-
лида, амалда бу ишга ҳеч қачон қўли бормаслиги-
ни, дафъатан, юракдан ҳис этиб, икки бора суюна-
ди. Ва шу қайфиятда сўқмоқ томонга ўгирилиб, уни
бўм-бўш ҳолда кўради — Амин қотма аллақачон
қўздан қойиб бўлганди. Шу ондан
эътиборан бола бу олам қувончини
бўтқул унутди. Энди тонг сеҳрини
сезмаганидек, оқшом шафағида
қонли халқобдан ўзгасини илғамай-
ди. Боз устига, қонталаш уфқ яна
бир куннинг адоқланганию машъум

қун — шанба янада яқин қолгани-
дан дарак бериб, баттар юрагини
ўртади. У бир нарсани — суюкли
оппоқ бўталокни, худди товудек,
қозонга босиш мумкинлигини ҳеч
идрок этолмасди. Бироқ бу бора-
да унинг дардини қим ҳам тинг-
ларди дейсиз. Аксига олиб, мана
икки кундир-ки, хануз Амин қот-
мадан дарак йўқ. Қани энди, тез-
роқ келиб, шунча қўй-эчкинг тур-
ганда, қуниг битта бўталокқа қол-
дан бирига илиниб қолган "Қизиқчи", қучинг ке-
либ-келиб менга етдими, дегандай тиржайиб ту-
раверади. Бола зарда ила уни юлқиб оларкан, не-
гадир бу сафар тақаран ерга эмас, эшикдаги гўнге-
ла устига улоқтиради. Қўғирчоқ, аллақачон чап
қўлидан мусово бўлган эса-да, баттар аламини
қўзитиб, қўкка боққанча, ўша-ўша масхараомуз ил-
жаиб ётаверади. Бу орада бола бирдан инсофга
келиб, зугумни бас қилади. Қўғирчоққа зиён етқа-
зишга ортиқ қўй бормайди. Ахир уни топган қуни
нечоғли қувонмаганди у.

Бола қўлсиз қолган қўғирчоқни яна аввалги
жойига авайлаб остиб қўяркан, қизиқчиғини учун
хатто ундан кечирим сўраган киши бўлади. Сўнг,
беихтиёр қуйидаги қуёқ теракзорга ҳадикла кўз
ташлаб қўяди. Ва, одатдагидек, шуни орзулайди —
қани энди, Амин қотма деганлари ҳеч қачон терак-
зор бағриддан қайтиб чиқмаса-ю, бўталок хусусида
ортиқ отасига тирғалмаса! Бола юқорига ўрлаган
тор сўқмоқда Амин қотма пайдо бўлиши билан, иш-
қилиб, биз томонга қайрилмасин-да, дея ташвиш
тортаверишдан жуда чарчаган эди.

У бу сафар яёв эмас, отда юқорилаётган Амин
қотмани зимдан кузатаркан, ораста қийинганига
қараганда, унинг олисга меҳмонга кетаётганини
дарров фахмлаб, бундан ўзида йўқ севинди. Бироқ
шу он кўра тарафдан келган дўридлоқ овоз бола
қалбиде чечак отган қувончини ер билан яқсон этди.


— Буни кўп бўқиртирмай қозонга босиш керак,
пачча!

У кескин ортига ўгирилиб, кўра эшиги қарши-
сида савлат тўқиб турган тоғаси — Рўзвойи пол-
вонни кўрди.

— Қўшилмада бешбармоқчи қийиб ташлайди-
ган жўраларин бор, — деди тоға бўталокдан ниғоҳ
узмай. — Бир оғиз айтсам, йўқ, дейишмайди, қай-
танга, жон, дейишайди.

Рўзвойи полвон бегона эмас, ўзиники. Бунинг
устига, шу кўнарда Ашур чавандознинг иши ту-
шиб турибди унга. Зора бўзлашлари жонга тек

Аксарият рассом, ҳайкалтарошларнинг турли бўёқлар қоришмаси анқиган устахонаси бироз бетартиб бўлади. Ижодкор баъзан бир асари тугамасидан иккинчисини бошлаб юборади ёки илҳом онларида атроф-муҳитда кечаётган воқеаларга бефарқ бўлиши мумкин. Таниқли мусаввир, Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков устахонасида эса бутунлай ўзгача манзаранинг гувоҳи бўлди. Пойтахтнинг шовқин-сурондан холи, сокин гўшасида жойлашган устахона ниҳоятда ботартиб ва шинамлигидан ҳайратта тушди. Жавлон ака зийрак мусаввир эмасми, ҳайратимиз сабабини тушунгандек гап бошлади:



ёшимдан бошлаб қўлимдан қалам тушмаган, ҳеч қачон узок муддат чизмай қолган пайтим бўлган эмас. Очиғи, ўша пайтда уйдагилар бу йўлдан қайтаришга қанча ҳаракат қилишмасин, ҳеч нарсани ўйламай, парво қилмай чизаверганман. Шу тариха ижод ҳаётимнинг мазмунига айланди. Ҳаётимдан мамнунман. Эҳтимол, умр ва ижод йўлларида яхши одамларга, яхши устозларга учраганим кўп нарсани ҳал қилгандир. Эски

Айнан ҳис-туйғу ҳар кун устахонага бошлаб келади. Олтиш тўрт йиллик ижодий фаолиятим давомиди чикарган хулосам шуки, ижод — ҳаётимнинг маъноси. Чизишдан бошқа нарсани қўлимдан келмайди.

Шу ўринда бир гапни айтиб ўтишим лозим. Ёшлигимдан француз рассомларини яхши кўрадим. Айниқса, Матисс асарларини кузатишни ёқтирдим. Бир сафар шу рассомнинг бир асарига тақлид қилиб иш бошламоқ

ри тарихда қолди.

Оила, фарзандлар — ижодкорнинг бахти. Чунки қайси соҳада ижод қилмасин, орқасидан қоладиган одами бўлиши керак. Ана шунда уларни узок вақт йўқлаб тургувчиларнинг кети узилмайди.

Ўзимни эса оиласидан, фарзандларидан кўнгли тўқ, бахтли инсон, деб биламан. Рафикам санъатшунос. Фикрлашамиз, баҳслашамиз, ўзаро маслаҳатлашиб яшаймиз. Икки ўғлим ҳам деярли ҳамкасбим. Каттаси рассом-дизайнер, кичиги дизайнер. Ҳар иккиси ўз ишини яхши билади. Улар билан фахрланаман.

— Жавлон ака, сиз дунё кўрган, дунё таниган рассомсиз. Хорижий мамлакатларда шахсий кўргазмаларингизни муваффақиятли ўтказгансиз. Бугунги дунё рассомчилигидаги ҳолат ҳақида қандай фикр-дасиз?

— Одамлар орасида "Тўқ қоринга ҳақиқий санъат асари яратиб бўлмай-

танловлар ҳакамлар ҳайъати таркибида иш олиб бориб, юртимизда ўтадиган деярли барча катта кўргазмаларда қатнашасиз. Миллий рассомлик ва дизайн институтида талабаларга сабоқ бера-сиз. Демак, ёшлар билан бево-сита биргасиз. Тажрибали санъаткор сифатида ёш рассомлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.

— Аввало, шунга айтиш керакки, ёш рассомлар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Ёшларнинг шахсий, жамоавий кўргазмалари кўплаб ўтказил-ляпти. Айтилик, илгари Рўзи Чориев ёш рассом сифатида эътироф этилгандан сўнг қаида ўн йилгача бошқа ёш рас-сом ҳақида гап бўлмаган. Шундан ҳам ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг. Бугун чет элларда нуфузли кўргазма-ларда қатнашиб, эътирофга сазовор бўлаётган рассом, ҳайкалтарошлари-миз оз эмас.

Шулар қаторида ҳар хил йўللарга

га иккита сурат ишладик. Иш жараёнида уларга маслаҳат бериб, ўргатиб турган бўлсам-да, айти пайтда шогирдларимда ҳам мен ўрганадиган нарсалар борлигини сездим. Хуллас, бу икки иш институтга совғамиз бўлди.

Бугун Президентимиз томонидан ёшларга берилаётган эътибор, кўрса-тилаётган ғамхўрликка жавобан улар изланишлари, катта жараёнга қўши-лишлари зарур.

— Ўзбек тасвирий санъатининг бугунги қиёфаси ҳақида ва унда ёшларнинг иштироки борасида нима дея оласиз?

— Агар яхлит олиб қарайдиган бўлсак, бугун тасвирий санъат олами-да қизғин жараёнлар кечяпти. Барча кўргазма заллари ва галерейларда йи-рик тадбирлар ўтиб турибди. Очиғи, рассомларсиз ҳаётни тасаввир қилиш мушкул бўлиб қолди. Рангтасвир ус-талари қатори, ҳайкалтарош, диза-йнерлар ҳам кўргазма ва биеннале-ларда фаол қатнашяптилар. Ёшлар ҳам устозлардан ортда қолаётгани йўқ. Бу-ларнинг бари яхши, албатта. Зеро, бундан ҳам фаол бўлиш, янгилик яра-тиш учун барча имкониятлар мавжуд. Назаримда, охириги пайтда ёшлар ижо-дида, қолаверса, устозлар ижодида ҳам катта сюжетли, кенг қўлмали по-лотнолар камайиб борапти. Оддий во-қелик акс этган майда мавзудаги асарлар кўпайгандек. Ваҳоланки, ул-кан бунёдкорлик ишлари, қурилишлар давом этмоқда. Уларни йирик полот-ноларда акс эттириш керак.

Яна бир нарсига тўхталиб ўтиш-ни истардим. Сўнгги йилларда рас-сомларнинг асарлари музейлар то-монидан камроқ сотиб олинапти. Аслида яхши асарлар халқ мулкига айланиши, одамлар ундан фахрла-ниб юришларидан ортиқ бахт йўқ ижодкор учун.

— Жавлон ака, устахонангизда-ги тугалланган ва баъзи тугаллан-маган ишлар қизгин ишларлар палласида эканингиздан далолат беради. Ҳаётингиз қандай режа-лар билан банд?

— Яқинда Нукус сафаридан қайт-дим. Бундан 40-45 йил илгари Мўноқ портларини кемалар чиройли чайка-либ турган пайтларда кўргандим. Бу сафар борганимда Орол денгизи ўз соҳилларидан жуда-жуда олислаб ке-тибди. Лекин қорақалпоқ халқининг тегис руҳияти, келажакка ишончи юра-гимга нур олиб кирди. Хукуматимиз-га минг раҳмат, халқнинг турмуш ша-роитини яхшилаш, қайфиятини янада кўтариш борасида кўплаб улуг ишлар-ни амалга оширяпти.

Нукусда бўлганимда тасодифан бир тўйнинг устидан чиқиб қолдим. Қора-қалпоқларнинг ўз анъана ва миллий удулмаларини нақадар ҳавас билан кел-таётганларини кўриб ҳазасим келди. Айниқса, келин-куёвнинг соф миллий либосдаги қиёфаларни кўз ўнгимда қолди. Сафардан қайтган захотим "Ну-куслик келин" ва "Нукуслик куёв" ном-ли иккита алоҳида портрет ишладим. Халқ ўзлигини, миллий қиёфасини сақ-лаб қолгани қалбимга таскин бер-ди. Қорақалпоқ ҳаётидан туркум асар-лар ишлашни диллимга тугиб қўйдим.

Айтиб ўтганимдек, Тошкентнинг Эски шаҳарига меҳрим бўлакча. Ҳозир бу макон жадаллик билан ўзгариб, замо-навий қиёфа касб этиб борапти. Ило-жи борича унинг қадимий қиёфасини расмларга муҳрлаб қолдиришни ният қилганман. Катта полотнолар, ижтимо-ий мавзудagi асарлардан ташқари ки-тобларга беэақлар ишлашни яхши кўра-ман. "Алпомиш" ва "Рустамхон" дoston-ларига иллюстрациялар чиздим. Шу йўналишдаги изланишларимни давом эттирмоқчиман. Яхши ниятларим кўп.

Гулчеҳра УМАРОВА
суҳбатлашди

Жавлон УМАРБЕКОВ:

ЮРАКДА ТУҒЁН БЎЛСА



Рассом ва замон

ни ҳузур билан эслайман.

Энг муҳими, устозлардан ёлчидим. Биринчи навбатда рассомлик билим юртида сабоқ берган таниқли рассом ва аҳойиб педагог Борис Токмин но-мини тилга олишим керак. Айниқса, мойбўёқда ишлаш маҳоратини эгал-лашимда устозимнинг хизмати катта бўлган. Негадир расм чизишда ишим юришмасди. Бир кун Борис Ивано-вич бир неча бўёқ идишни олдимдан олиб, деразадан улоқтириб юборди. "Булар тайёр бўёқлар. Тайёрига айёр бўлмасдан, ўзинг тайёрлашни ўрган", деди. Ана шу сабоқ ҳозир талабалар-га тахсил беришимда қўл келади. Улуг мусаввир ва бебаҳо инсон Чингиз Аҳмаров билан танишув ҳаётимда ҳам, ижодимда ҳам чуқур из қолдирган. Устоздан биринчи навбатда Шарқ та-рихига синчковлик билан муносабат-да бўлишни ўргандим. Айниқса, ми-ниатюра санъатининг нафосатию но-зиклигини ҳис этишимда устоз санъ-аткорнинг хизмати катта бўлди.

Тўғри, Чингиз ака билан ижодий қиёғамиз турлича, у киши сокин, мен эса қизиққонроқман. Бир кун лаган-га жуда гўзал асар чиздилар. Кейин менга "Энди шунга ўзингнинг кескин "услубин" билан "бузиб" бер, деди-лар. Мен қалам урганимдан кейин унинг устидан ўзлари бўёқ юргизди-лар. Чиройли бир асар пайдо бўлди. "Сен шартта чизиб ташлайверасан, мен эса ҳамини иккиланиб тураман", деганди устоз. Чингиз акага юрагим-да туғён билан чизишим ёқар экан. Қанча ҳамсухбат бўлган, қанча асар-ларим ҳақида фикрлашган бўлсак, ҳеч қачон "Мана бундай чиз", деб ўргат-маганлар. Маслаҳатларини эса аяма-ганлар.

— Ҳар бир ижодкорнинг ўз иш услуби бор. Баъзилар оддий чўпда ҳам гўзаллик, лирикани кўра би-лади. Бошқа биров алоҳида илҳом онларини қутиб яшайди. Сиз учун ижод нима?

— Ижод яхши маънода — касаллик. Илмий тил билан айтганда инсоннинг эмоционал-руҳий ҳолати. Шахсан мен учун ижод — ҳиссиёт. Ҳиссиёт ижод оддий ҳунармандлик бўлиб қолади.

чи бўлдим. Бунга кўрган Чингиз Аҳ-маров айтган сўзлар ҳамон ёдимдан чи-калмайди. "Француз рассомлари асарла-рига қараб ҳеч қачон ўз юртинг ҳақида сурат чизма, — деганди устоз. — Сен бой мамлакатнинг фарзандисан. Ав-вал ўз оёғинг остига қара. Қадам бо-сиб турган заминингдан ажралма". Ўшандан буён ўзбек авангардизми йўлидан боришга ҳаракат қиламан. Зеро, ўзбек авангардизми ҳеч қайси минтақанинг такрорламайди. Мил-лий асосда чизилади. Юракда, қонда бор бу ҳусусият.

Ижод жараёнида илҳом ҳам муҳим ўрин тутди. Масалан, менга кўпроқ мусиқа илҳом бағишлайди. Ўзимиз-нинг мумтоз ашулалар, дутор, най, танбур, сато наволари... Европа клас-сикасидан Бах, Бетховен асарлари оғушига олиб кириб кетади. Шовқин-ли мусиқига тоқатим йўқ. Тарих ва та-рихий нарсаларни яхши кўраман.

— Сиз ижодни ҳаётингиз моҳия-ти сифатида бирламчи ўринга қўйя-сиз. Одамнинг ҳаётида асосий ўрин тутувчи оила масаласи-чи?

— Шубҳасиз, оила инсон ҳаётида, жумладан, ижодкор ҳаётида катта ўрин эгаллайди. Агар рассомнинг ор-қасида уни қўллаб-қувватлаб туради-ган оиласи бўлмаса ёки оилада но-тинчлик ҳукм сурса, ҳеч қачон ижоди юришмайди. Дунёга танилган Пирос-мани, Ван Гог, Модильяни каби рас-сомлар ёлғизликдан, ичкиликдан хор-зор бўлиб, асарларини оммалашти-ролмай ўтиб кетганлар. Яхшиямки, улардан кейин асарлари қадр-қим-матини биладиганлар бор экан, номла-

ди", деган гап юради. Эҳтимол, бу гап-да жон бордир. Филонов деган рус рас-сомининг Ленинград қамали вақтида яратган асари бор. У битта картошка-ни тўртга бўлиб, бир бўлагини еб, бит-та асарини яратган Кейин иккинчи бўла-гини еб, бошқа асарини чизган. Шу та-риқа охиригисини еб бўлганидан сўнг ва-фот этган. Пикассо асарлари ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Жуда қи-йинчиликда яшаган у. Қазимир Мале-вичнинг машҳур "Қора квадрат" асари-да ўша пайтда рассом юрагига гулгула солган давр ўз аксини топган.

Ҳозир чуқурроқ назар ташласангиз, дунё микёсида салбий ўзгаришлар кўпайиб кетяпти. Тасвирий санъатда тушуниб бўлмайдиган, инсоннинг бо-тини ва зоҳирига зид, умуман кўриб бўлмайдиган нарсаларни "изм"лар остида чизиб ётишибди. Ҳатто мута-лаксислар ҳам бундай "асар"ларни "инсониятга қарши санъат" деб ба-ҳоламақда.

Лекин бизнинг юртимизда бу бора-да ўзгача манзарани кўрасиз. Бошқа соҳалар қатори тасвирий санъатда ҳам давлатимиз ва Президентимизнинг эътибор ва ёрдами, яхшиликка, эзгу-ликка хизмат қилувчи ҳар қандай ижо-дин қўллаб-қувватлаётганини ҳаммамиз ҳис қилиб турибмиз. Энг оддий мисол шуки, бирорта давлатда кўргазма зал-лари текинга берилмайди. Бизда та-ниқли рассомлар у ёқда турсин, энди ижодини бошлаган истеъдодли ёшларга ҳам барча кўргазма заллари эшиги очик. Фақат бу имкониятлардан оқилона фойдаланиш зарур.

— Кўплаб фестиваллар, кўрик-


— Устахонани иш жараёнида бир кўришингиз керак. Ҳозиргидек саран-жомликдан асар ҳам қолмайди. Фа-қат илҳом чоғлари ёки бирор асар устидаги иш давом этаётганида эмас, институтдаги сабоқлардан сўнг ҳам ҳар кун келаман бу ерга. Аввало, ус-тахонадаги сокинликдан ҳаловат то-паман, ғала-ғовурдан холи бўламан, қолаверса бу ерда, қўриб турганин-гиздек, китобларим, албомларим, турли ҳамкасбларим асарларидан на-муналар бор. Энг асосийси, устахо-нада Эски шаҳардан йиғиб келганим қадимги буюмлар, бетакор қўл иш-лари бор. Халқ амалий санъатига му-ҳаббатим зўр. Айниқса, қадимий каш-куллар, обдасталар, лаганлар, кўза-лардаги аҳойиб нақшлар, бетакор безаклар дилингизга ёруғлик олиб қиради. Эски шаҳардан олиб келган ҳар бир буюм менга болалигимни эс-латади. Кўз олдимда тор жинкўчалар, томлари бир-бирига уйқашиб кетган лойсувоқ уйлар, анҳор ва унда мазза қилиб чўмилаётган болалар намоён бўлади. Амалий санъатимиз шундай боки, ҳар қандай қўл ҳунарини кўрга-нингда ҳайратинг ортиб бораверади. Оддий атлас ва адасларимизни олинг. Минг бир рангда товланади. Мана сизга ранг, мана ёрқин манза-ралар.

— Жавлон ака, ҳар бир одам, ай-ниқса, ижодкор маълум бир ёшга етганди, ортига бир қараб, ўтган умрини сарҳисоб қилишга эҳтиёж сезади. Сизда бу жараён қандай кечаяпти?

— Йиллар ўтгани сайин одамнинг дунёқарши, атрофдагиларга, бўлаёт-ган воқеа-ҳодисаларга муносабати ўзгариб боради. Айниқса, ёшинг улғайгани сари мулоҳазалироқ, босиқ-роқ бўлишга ҳаракат қиларкансан. Илгари шартта айтиш мумкин бўлган гапларни ўйлаброк гапиришга ўрга-наркансиз. Балки бу ижодкорларда кўпроқ намоён бўладими, яхши нарс-ани ҳам, ёмонни ҳам юрагингизга яқин оладиган бўлиб қоларкансиз. Бироз тобим бўлмаганди шифокор "Энди сизга ҳаяжонланши мумкин эмас", деганди. Шунда мен "Афсу-си, бу тавсиянгизни баҳаролмайман, доктор. Мен рассомман, ҳаяжонлани-шим, ҳайратта тушишим табиий. Ахир, борлиқни, воқеа-ҳодисаларни қал-бимдан ўтказмаслигининг илоҳи йўқ! Ижодкор ҳиссиётларга берилмасдан, эҳтирослар қозонида қайнамасдан яшолмайди ахир!", дедим.

Ҳозир ўйлаб қарасам, бу қозонда қайнаётганимга 64 йил бўлибди. 3-4

МУҲИМ ТАДҚИҚОТ



Ёш тадқиқотчи Лазизжон Бахраров қаламига ман-суб "Бадий танқидчиликнинг тасвирий санъат ра-ванқига таъсири (фалсафий-эстетик таҳлил)" рисо-ласида бадий танқидчиликнинг илмий-методоло-гик масалалари, фалсафий-эстетик моҳияти ва ва-зифалари ҳақида атрофлича сўз юри-тилган. Тадқиқотда мусаввирнинг ижо-ди ва асарлари, ба-дий фаолият ва бадий танқидчиликнинг диалек-тик боғлиқлиги, жамият маданиятининг бадий тан-қидчилик унсурларидаги ўрни таҳлил қилинган. Шу-нингдек, монографияда миллий ғоя ва бадий тан-қидчиликни ривожлантириш масалалари ўрганилган.

Муаллиф Ўзбекистонда бадий танқидчилик ривожланишининг тарихий жараён-лари тўғрисида сўз юртар экан, бу борада тадқиқотлар, изланишлар олиб бориб, маълум натижаларни қўлга қиритган мутахассислар ҳақида батафсил тўхтади.

Бугунги тасвирий санъатда ҳам интенсив, ҳам экстенсив изланишлар да-вом этмоқда, ҳар бир кўргазмада янги асарлар ва янги санъаткорларни кўра-миз. Улардаги ижодий плюрализм, модернизмга мойиллик шунчалик кучли-ки, бадий танқидчилик гоҳо уларни қамраб ололмайди. Миллий тасвирий санъатнинг жаҳон тажрибасидан баҳраманд бўлаётгани, ўзи ҳам бадий бор-лиқнинг олий поғонасига мувофиқ келадиган асарлар яратишга интилаётга-ни қувонардир, дея қайд этади муаллиф.

Баҳром ТОЖИЕВ

Янги нашрлар

ОГОҲЛИККА ЧОРАЛОВ

Тақдимот

Қуни кеча Алишер Навоий номида-ги кино саройида "Ўзбекино" миллий агентлиги буюртмасига кўра "Ватан" студиясида тасвирга олинган "Гумрох-лар" бадий филмининг тақдмоти бўлиб ўтди. Сценарий муаллифи ва режиссёр Ҳилол Насимов томошаби-лар билан учрашув чоғида таъкидла-ганидек, янги картинада ёшларнинг баркамол шахс сифатида шакллани-шига тўсиқ бўлаётган маънавий таҳ-дидлар, уларнинг салбий оқибатлари ҳақида реал ҳаётини воқеалар асоси-да ҳикоя қилинади.

Филм бош қаҳрамони — тадбиркор Оллоёр Шукуров ёвуз кимсалар тузо-ғига тушиб, оиласидан, бутун бори-дан айрилиб, бегона юртларда хор-ликда ҳаёт кечиради. Воқеалар асно-

сида у нечоғли мудҳиш хатога йўл қўйганини дилдан англаб етади ва қаттиқ афсус чекади. Филмда Олло-ёр сингари хатога йўл қўйган бошқа одамларнинг аянчли тақдири, улар-нинг она-юрт қаҳадига соғинчли суҳ-батлари, ўй-фикрлари таъсирли саҳ-наларда акс эттирилади. Картина ижодкорлари ҳужжатли кино намуна-ларидан ҳам унумли фойдаланишган. Бадий ва ҳужжатли кино уйғунлиги, ўз навбатида, экрандаги воқеаларга ҳаққонийлик бағишлаган.

"Гумрохлар" филмига тажрибали актёрлар жамоаси жалб этилганини




таъкидлаш лозим. Томошабинлар Эркин Комилов, Бахтиёр Қосимов, Самандар Ҳамроқулов каби таникли ижодкорларнинг янги қирраларини кашф этиши мумкин. Шунингдек, Мирза Азизов, Хайрулла Саъдиев,

Жамила Фафурова, Сайёра Юнусова, Шахло Теммурова каби актёрлар иж-роши ҳам муҳлисларни бефарқ қол-дирмайди, деб ўйлаймиз.

Лобар ҚОБИЛОВА

“АГАР ИЙД ИСТАСАНГ ҲАР ДАМ...”



Агар ийд истасанг ҳар дам,
фано зайлини тут маҳкам
Ки, бирдамда ики байрамга
учрар солиқи фаний.

“Ийд” — ҳайит, байрам; “зайл” — этак маъноларини англатиши маълум. Ҳазратнинг талқинига кўра, инсон умрининг ҳар дамини ийдга айлантириш имконига эга. Аввалги сатрда ифодаланган фикрни иккинчи мисрада фасоҳат ва балоғат жиҳатидан янада юксалтириш — улуг шoir газалларининг бош хусусияти. “Ийд истасанг” деб бошланган фикрнинг “бир дамда ики байрамга учрар” тарзида давом эттирилиши бунинг исботидир. Байтдаги фикр якунига кўра, бунга эришмоқнинг асосий шарты фано этагини маҳкам тутмоқликдир.

Маълумки, ҳазрат Навоий асарларида ҳеч бир ҳодиса шунчаки таъриф-таъсиф этилмайди. Қайси бир мавзу қаламга олинмасин, муаллифнинг ҳаётий ва ижодий концепциясига бўйсундирилади. Бу концепция эса, таъбир жоиз бўлса, “фано” сўзида тажассум топади. Аёнки, Фаний тахаллуси ҳам ана шундан келиб чиқиб танланган. Ана шу концепция — фано фалсафаси ҳазрат Навоий асарларини занжир мисоли бир-бирига боғлаб туради. Асардан асарга ўтган сари мустаҳкамланиб, юксалиб боради ва “Лисон ут-тайр”да авж нуқтасига етиб, ҳулосаланади. Ҳайит мав-

зусига бағишланган юқоридаги байт ҳам бунинг далилидир. Байтнинг давоми ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

Навоий зору музтардур,
қатил айларга дархурдур,
Жамолнинг ийди акбардур,
қил охир ани қурбони.

Фано фалсафасидан муддао бақога эришмоқдир. Бу мақсад Ҳақ жамоли орқали ҳосил бўлади. Ҳақиқий “ийди акбар” — улуг ҳайит, улуг байрам илоҳий жамолга муассарликдир. Бу йўлда жисмининг қатл этилмоққа дархур (лойик), жоннинг қурбонлиққа сазовор бўлиши, шунинг учун ҳам, айнаи муддао ўлароқ талқин этилмоқда.

Ҳазрат Навоий “Махбуб ул-қулуб”да ёзишча, ҳайитни ҳар бир одам ёшига муносиб тарзда қутиб олиши зарур:

Ийд оқшони тифл илғида чапу рост хино,
ё шохиди шўх эғнига ҳаззу дебо.
Шовистадуру қари баҳуз далку асо,
Кўрузса сақолига қуларлар уқало.

Ҳайит оқшомиде қўлларига хино қўйиш “тифл”, яъни ёшлар юмуши. “Ҳаззу дебо” — илаҳи матолардан кийиниш “шоҳиди шўх” — гўзал дилбарларга ярашади. Агар “далку асо” — дарвешларга мос кийим кийиб, асо тутиши шарт бўлган қари ана шу тарзда ясанса-чи? Бундай киши ақл эга-

Навоийни ўрганиш

лари ичида қулгига қолиши шубҳасиздир. Ҳаёт ҳикмати ва мантигининг поэтик ифодасидир бу мисралар.

Улуг мутафаккир ижодида ҳайит, хусусан, қурбон ҳайити мавзусига жиддий эътибор қаратилган. Хусусан, “Насойим ул-муҳаббат”да Абуабакр Мавозиний тилидан азхо ийдида (қурбон ҳайитида) одамлар қурбонликлари ва садақалари билан Ҳаққа яқинлашадиганини айтиб, унинг эса жонидан ўзга ҳеч нарсаси йўқлигини изҳор этган дарвешнинг ажиб ҳолати зикр этилган. “Вақфия”да ҳайитнинг аввалги куниде ўнлаб қўллар қурбонлиқ қилиниб, “мадраса ва хо-нақоҳнинг фуқаро ва масокин ва сойир суқ-қонига улашилгани”, иккинчи куниде “йигирма ботмон эт била йигирма ботмон бурдойни ҳалим қилиб, эллик ботмон ўтмак била” тақсимлангани ҳақида ёзилган. Энг муҳими, бу асарлардаги маълумотлар ўқувчини фикрлашга ундайди; унинг ақлини чархлаб, кўнглини юмшатади, тафаккурини юксалтиради. Ҳазрат Навоий мероси тафаккур дарсхонаси сифатида барча замонларда ҳам улкан аҳамиятини сақлаб қолаверади.

Нурбой АБДУЛҲАКИМ,
филология фанлари доктори, профессор

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

“Уч пиёла чой”

Америкалик ёзувчи ва саховатпеша Грег Мортенсон шу номдаги машҳур бестселлерининг давоми — “Эрининг чеккасидаги мактаб” китобини эълон қилди. Мортенсон 1957 йили Калифорнияда туғилган ва Танзанияда ўлғайган. Отаси насронийлар тиббий марказига, онаси эса халқаро мактабга асос солишган. Бугун Мортенсоннинг ўзи ҳам самарали фаолият олиб бораётган хайр-саховат ташкилотига раҳбарлик қилади.

“Уч пиёла чой” хайратланарли тарих, унда қатъиятдан ўзга ҳеч вақоси бўлмаган оддий одам ҳам дунёни ўзгартиришга қодир эканлиги ҳақида сўз боради. Грег Мортенсон ўрта маълумотли шифокор ёрдмачиси бўлган. Марҳума онаси руҳини шод этиш мақсадида юксак тоғ чўққиларидан бирини забт этмоқчи бўлади. Машиналарда тунаб, кўп қийинчиликларни бошдан кечиради. Маҳаллий аҳоли ёрдм кўрсатмаганда ҳаёт билан ғайиб бўлиб қолган эди. Замонавий тамаддундан ажралиб қолган чекка қишлоққа ўтган бир неча кун Грегга шу қадар қаттиқ таъбир кўрсатадики, у оқибатда зарур маблағ тўплаб, қишлоқ болалари учун мактаб қургани қайта келади... “Уч пиёла чой” дунёнинг 48 мамлакатиде чоп этилган ва уларнинг ҳар бири бестселлерга айланиб, умумий адади 7 миллион нусхадан ошиб кетган.

Хемингуэйнинг мушуклари

1935 йили Эрнест Хемингуэйга таниш денгизчи “Оқлар” лақабли мушук соғва қилади. Жониворнинг ҳар панжасида биттадан ортиқча бармоғи бўлган. Машҳур адиб мушукларни умрининг охиригача — 1961 йил 2 июлда ҳаётдан кўз юмганига қадар ҳам асраб юрган. Бугун ёзувчининг Ки-Уэстдаги (Айдахо штати, Кетчум шаҳарчаси) уй-музейида ана шу мушук авлодларини ҳам кўриш мумкин. Улардан кўпларининг оёғи олти панжали. Шунинг учун жониворларни Хемингуэй мушуклари, деб аташди. Боз устига маъмурилар жониворларни сақлашни таққиллаганига қарамай, уларни барибир музей мулки сифатида эътироф этишга мажбур бўлишган. Уй-музей ходимининг гувоҳлик беришича, музейга ташриф буюраётганларнинг аксари айнан ана шу олти панжали мушукларни кўриш учун бу ерга келишаркан.

Буюк ёзувчи Мохито ва Дайкири деб аталган кокетейларни ҳам хуш кўрган экан. Китоб мутлоаси ҳақида фикр юритиб эса, шундай деб таъкидлаган: “Барча яхши китоблар бир жиҳатдан бир-бирига ўхшайди: охиригача ўқиб чиққангизда улардаги воқеалар худди ўз бошингиздан ўтгандек бўлиб туюлади ва улар ҳамиша сизга ҳамроҳ бўлиб қолади”. Хемингуэйнинг “Алвидо, қурол”, “Чол ва денгиз” асарлари таниқли олим ва мутаржим Иброҳим Фафуров томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Хизматдаги шоир

Машҳур шоир Сергей Есенин 1915 йил май ойида ҳарбий комиссияга қаҳирлиб, Биринчи жаҳон урушига сафарбар этилганлар рўйхатида олингани хусусида собиқ Рязан уезди мажбурий ҳарбий хизмат биносида ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди. Бироқ фронтга жўнаб кетиш учун орадан бир йил ўтиб қаҳирув қозғо келганда шоир Санкт-Петербургда яшаётган эди. Рязан ҳарбий-тарих жамияти аъзолари гувоҳлик беришича, ўшанда шоирнинг дўстлари жонига оро киришиб, унинг фронтга эмас, 143-ҳарбий-санитар поездида юборилишига кўмаклашган. Есенин бу ерда санитар бўлиб хизмат қилган. Бироқ урушга бўлган муносабатини кескин тарзда ифода этган: “Мен империалистик уруш ва сохта жанговар ватанпарварликни асло хуш кўрмайман. Бундай сохталик табиятан менга мутлақо ётди. Ҳатто “ғалаба момақалдирроғи, гумбура” каби шеърлар ёзмаслигим сабабли анча-мунча кўнгилсизликларга дучор бўлганман. Шоир ўзи табиятан бевосита боғлиқ бўлган воқеа-ҳодиса ҳақидагина ёзиши мумкин”.

Сергей Есениннинг “Форс тароналари” туркуми ва кўлаб шеърлари ўзбек тилига атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов ва бошқа ижодкорлар томонидан ўғирилган.

Элис Манронинг янги қиссаси

Канадалик машҳур адиба, 2013 йилги Нобел мукофоти совриндори Элис Манронинг “Маймоқ айик тоғдан ошди” деб номланган янги асари новелла, деб аталган. У қадар катта бўлмаган қисса тарзидаги бу асар ўзига тўқ оила бошидан кечган гаройиб воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. Яқна-ёғиз, шу билан бирга кексалик қолган эрхотин ҳаётида қутилмаганда катта ташвишлар келиб чиқади. Парашонхотирлик (Альцгеймер) хасталигини йўқлик аёлининг дарди зўрайиб азоб беради. Эрхотин шинам касалхонага жойлаштирилади. Бироқ бу ерда аёлини юрак билан боғлиқ кучли руҳий зарба ҳам қутиб турган бўлади... Адиба новеллада оилавий ҳаётнинг руҳий билан боғлиқ бўлган чалқаш ва мураккаб жиҳатларини тадқиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, “Ижод” жамоат фонди уюшма аъзоси Саидвафо Бобоевга падари бузруквори йўлдош бобонинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Худойберди КОМИЛОВ

СОАТ БИЗДЕК ЧОПАР ТЕЗ

ХАНАОН
ПИСТАНИНГ
БОЛОМГА
НАСИҲАТИ

Писта леда
Боломга:
— Ўхшасанг-чи
Одамга.

Кўтар қошу
Қовонинг,
Пастга тушир
Димонинг.

Бизлар билан
Сочилиб,
Юрини-да сал
Очиблиб.

Бу қовоғу
Қошинида,
Тўқмоқ тушар
Бошинида.

БАЛИҚНИНГ
БОЛАСИГА
НАСИҲАТИ

Илонлардан
Кўрқмагин,
Чаёнлардан
Кўрқмагин,

Аждардан ҳам
Кўрқмагин,
Бадтардан ҳам
Кўрқмагин.

Кўзинг катта
Оч, болом,
Чувалчангдан
Қоч, болом.

ЧАЛАСАВОЛ
ЖУЖА

Товуқ дейди
Жўжага:
— Чопаверма
Кўчага.

Олиб китоб —
Дафтарни,
Ўргансанг-чи
Ҳарфларни.

Хўроз эса
Тескарни,
Дер: — Катакдан
Чик нари.

Ота касбинг
Билавер,
Чўқшини машқ
Қилавер.

Шу боиси
Жўжавой,
Ўқинилари
Жуда вой.

Ҳарфни аранг
Ўқийди,
Битта-битта
Чўқийди.

ТЕЖАМКОР
ОНЛА

Қовун едик
Коса қилиб,
Далам еди
Роса қилиб,

Кейин олиб
Пичогини,
Майдалади
Пўчогини.

Бердик уни
Қўйчаларга,
Уругини
Жўжаларга.

ТУЙАА

— Туйда йиғлади
Ғиёс?
— Тўғратинди-да
Пийёз.

НОШУА РАССОМ

— Сурат солдим қараб отга,
Ўхшаб қолди бегемотга.

Оёғи сал эгри чиқди,
Шоҳ қўйганим — ситир чиқди.

— Нима чиздинг, ситирми, от?
— Менимча, бу — янги жонзот.

— Ахир, учта-ку оёғи?
— Етмай қолди-да бўёғим.

ҲАШАР

Мисолини ечди Жамол,
Кўчириб берди Камол.

Расмни чизди Башар,
Норга қилишди Ҳашар.

Уларга бизнинг Нортон,
Ташиб турди новотчой.



ЯЛҚОВ ТЕРАК

Богимизга эқдим
Терак.

Толтойчоғим қилдим
Тиргак.

Кўкармади, қургур,
Терак.

Бироқ, тиргак
Чиқарди барг.

Энди ўша
Ялқов терак —

Толга тиргак
Бўлса керак.

КАШФИЁТ

Чумоли дер
Тарвузининг
Думига
Ўтиб:

— Менимча,
Ана шу ер —
Шимоллий
Кўтб.

ИЛМИЙ ШУБҲА

Ҳаракат бўлганда тез,
Вақт ўтар эмиш секин.
Эйнштейн бобомиз
Сал адашганлар лекин.

Спорт зали соати
Биздек чопиб қимирлар.
Синфимизнинг соати
Унда нега имиллар?!

Худойберди КОМИЛОВ 1956 йили Самарқандда туғилган. Ҳозир Ургут туманидаги 97-умумий ўрта таълим мактабиде директор вазифасида ишлайди. “Қим қандай ухлайди”, “Сирли соғалар”, “Мазади китоб” номли тўпلامлари чоп этилган. “Энг улуг, энг азиз” республика танлови ғолиби.

Субҳидамнинг сеҳри бўлак. Эрта туриб фаришталарга дарвоза очган инсоннинг уйи баракага тўлади. Эзгу ниятлар билан йўлга отланган киши яхшиларга йўлдош бўлади. Ана шундай ҳаёллар билан кетар эканман, кимдир мени қузатаётганини ҳис қиламан. Атрофга назар соламан. Кўлида катта супурги тутган аёл менга жилмайиб қараб турибди. Э-ҳа, ҳаёл билан чалғиб, у супураётган йўлдан юриб кетибман-ку. Уэр сўраб, қадамимни тезлатаман. Аёл эса ма-

Изҳор

Негаки, унинг бағри ҳайдовчининг юрагидек кенг. Ҳайдовчи бир зум ҳаяллагани учун кимдандир дашном эшитса ҳам, барибир, ўз ишини, вазифасини сидқидилдан бажаради. Чунки у элдошларини севади. Юртнинг эрта-си, келажаги учун буюк ишларга қодир ватандошларини манзиллари-га эсон-омон элтиб қўйишнинг ўзи шараф унга.

Мен эса жонажон университетим томон ошиқман. У мени умид, ишонч билан қутиб турибди. Мен каби фар-


ЮРТ МЕҲРИ

лолланмай, ҳечқиси йўқ, ўтаверинг, дейди. Беихтиёр кўнглим кўтарилади. Йўловчиларнинг ўтиб кетишини сабр билан қутиб турган бу аёлнинг самимиётга, меҳрга тўла улкан қалб соҳибаси эканлигини англайман. Шу йўлар билан бекатга яқинлашаман. Қадрдон автобус ҳам кўп интиқ қилмай етиб келади.

Файзу тароватга тўлиқ йўллардан елиб бораётган автобус тонгданоқ яхши ниятли йўловчиларни манзилла-

зандарига илм сирларини ўргатмоқ учун бағрини кенг очмоқда. Бу даргоҳа бўлган муҳаббатим тўғрисида юрагимдаги энг соф туйғулар янада бўй чўзади, янада юксаланади. Дарелар тугаб, барча талабалар ҳар томон тарқалишади. Кимдир уйга, яна кимдир кутубхонага...

Кенг, равон йўллар қуёш нурларида кўзани қамаштириб товланади. Беихтиёр ҳаёлимда ўша эрта тонгданоқ йўлларнинг юзини очиб, супуриб-си-



рига элтиб қўйди. Ўзидан катта сумкасини елкасига осиб олган миттигина болакай автобус деразасидан атрофга ҳайрат билан боқади. Ўқишга шо-шилаётган, бир-бири билан баҳслашаётган ака-опаларидан кўз узмай, уларни тинглайди. Турли тиллардаги баҳс уни янада ҳайратлантиради. Бир зум ўзининг ҳам келгусида чет тилларда бйрон сўзлашишини кўз олдига келтириб руҳланиб кетади. Бир онда туйилган ҳавас унинг келажак йўлини ёритади. Болакайнинг жажжи қалбида улкан орзу бўй кўрсатмоқда. Унинг орзулари шу Ватанга, унинг одамларига бўлган меҳр-муҳаббат, ҳавас туйғула-ри билан ҳамоҳанг.

Автобус йўлда давом этади. Ёруғ юзли ҳайдовчи кабинасидан таралаётган мусиқа оҳанги йўловчиларга яхши кайфият бағишлайди. Автобус бекатдан-бекатга ошиқади. Ҳеч кимни йўлда қолдирмай қучоғига олади.

дириб юрган аёл, йўловчиларни беиминнат ўз манзилларига етказиб қўяётган ҳайдовчи амаки, ўзидан катта сумка кўтарган, орзулари осмон қадар юксак болакай жонланади. Уларнинг юрагиде шу юртга бўлган улкан меҳрни, муҳаббатни англаш қийин эмас.

Бугун ушбу туйғу ҳар бир юртдошимнинг қалбида яшашини теран ҳис қилдим. Бу туйғу менинг юртимга бўлган меҳр-муҳаббатим қадар азиздир. У заррама-зарра юксалиб каттаю ки-чик элдошларим, ватандошларим юрагидеги фахр-ифтихорга айланади. Ўзбекистон деб аталмиш дийёрда яшовчи ҳар бир фуқаро шу туйғу сабаб мўъжизалар яратмоқда. Она-Ватанини она каби бошида кўтармоқда. Бу туйғунинг тафти ҳеч қачон сўнмайди.

Вазира ИБРОХИМОВА,
талаба

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

“МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ”
АКЦИЈДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз:
info@uzas.uz, uzas@mc.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Иجتимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахририятга келган кўйежмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Санжар ТУРСУНОВ
Саҳифаловчи — Зафар РҲҲИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 01.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигиде 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4616 Буюртма № 1057. Ҳажми — 3 босма табақ 4-2. Наср кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

